Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ✦ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ✦ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 6 апрель, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 24 (6721)

Даъват

Муътабар аҳли ватаним ҳаммангиз бир бўлуб, халқ ва диннинг ривожи учун бирлашуб орадаки нафратларни ташлаб, худонинг берган ҳуррият неъматидан нафъиланмоқ ҳаракатида бўлмоқ керак ва алан бизнинг бу ҳаракатсизлигимиз бизлан ҳуррият кетқуриб яна бошқаларга бизни асирлик даражасига тушурур ва юз йиллар ила кейин кетармиз.

1917 йил

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Ибрат

Термиз шаҳри яқинидаги Сурхондарё вилоят отчопари базасида от спорти бўйича болалар ва ўсмирлар мактаби очилди. Ҳозирдаёқ машғулотларга 35 нафар ёш чавандоз қатнашмоқда. Уларга таниқли спорт устаси, республика мусобақалари ғолиби В. Гегалин бошчилик қилмоқда.

Муносабат

ЗАНЖИРЛИ «ҲУР»ЛИК ЁХУД ЭСКИ ЕМТЎРВА

Шу кунларда хаёлимда нуқул бир фикр чарх уради: Ўзлигини таниган халқ учун «Занжирли ҳурликдан — занжирсиз қуллик афзал!» Дарҳақиқат, биз етмиш йил давомида «занжирли ҳурлик»нинг «нонини еб», шу ноннинг миннату маломатларини эшитиб келганмиз. Бу худди кечагидай эсимизда. Ушанда ҳам биз ва бошқалар «ҳур республика» саналардик. Ушанда ҳам бизнинг мустақил давлат учун керак бўладиган ўз Конституциямиз, ўз байроғимиз, ўз гербимиз ва ўз мадҳиямиз бўлган. Бироқ аслидачи? Бу мустақиллик батамом ёлғон эди. «Ҳур республикалар иттифоқи» аслида занжирли иттифоқ эди. Шунинг учун ҳам у титилиб, унинг чўян халқалари сочилиб кетди. Энди эса, уша занжирдан манфаатдор сиёсатдонлар тупроққа қоришган шу ҳалқаларни териб олиб, уни «олтин суви»га буяб, «Бу аввалги иттифоқ эмас, бу чуқурлашган интеграция бўлади» дея бутун оламга маъқул қилмоқчи бўладилар.

Россия думасининг 15 мартда собиқ иттифоқни тиклаш ҳақидаги қарорини ана шу хил «занжир буяш»дан бошқа нарса эмас, дея тушунмоқ керак. Занжирнинг тилласи ҳам ўз номи билан занжирдир.

Энди кечаги «ҳур»лигимизга бир назар солайлик. Ушанда бизнинг инон-ихтиёримиз марказнинг қўлида, «улуг ога»нинг измида эди. «Берсанг ейман, урсанг уламан», дея Москванинг қўлига мўлтираб қараб турардик. Шу ўринда раҳматли Абдулла Қаҳҳор домла билан рўй берган бир воқеани айтиб берай. Олтмишинчи йилларда у кишини Бўстон (Қизилтепа) сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлайдилар. Сайловолди йиғилишида, ундан кейин ҳам сайловчилар «халқ хизматкори»га бир наказ қўядилар. Зарафшон дарёсининг икки туманни туташтирувчи эски бир кўприги бўларди. Кенглиги икки қулоч келадиган ниҳоятда омонат шу қўлбола кўприкдан ўтаётганда ҳар йили бир неча эшакли-пиёда кишилар дарёга тушиб кетиб сувга ғарқ бўларкан. Шунинг учун бу кўприкни маҳаллий халқ «эшак кўприк», ёки «ҳарҳўр» — эшакхўр» деб юритишар экан. Янги сайланган «Халқ хизматкори», яъни Абдулла Қаҳҳор ўз фаолиятини ана шу «наказ»дан бошлабди. Сессияга таклиф киритибди. Қайтақайта таклифлардан ҳеч натижа чиқмабди. Яна бир бор шу масалани кўтарганда, республиканинг уша пайтдаги раҳбарларидан бири у кишини ўз ҳузурига чақириб тушунтирибди: «Домла, нега мунча овора бўлиб юрибсиз? Ахир, Зарафшонга кўприк қуриш шунчалик осон деб ўйлайсизми? Бу кўприкни қуриш учун дастлаб СССР Министрлар Советига таклиф киритиш керак. Улар рози бўлишса, Ленинграддаги «Главмосстрой» деган каттакон лойиҳалаш институтига лойиҳа тайёрлатиб олинади, Госплан бюджет ҳисобидан маблағ ажратади, шу маблағ маҳаллий бюджетга келиб тушиши керак, ана ундан кейин СССР Қурилиш Министрлигининг розилиги билан кўприкни қурадиган ташкилотни аниқлаб, унга буюртма беришимиз керак... улар смета тузишади... Хуллас, бу Москва билан битадиган иш...»

Абдулла Қаҳҳор, хўп, шунга қанча-қанча вақт керак бўлади, деб сўраган экан, «келгуси беш йиллик режасига киритсак, олти-етти йилда битиб қолар», дея жавоб берган экан «ҳур республика»нинг уша раҳбари.

Бу мисолни мен нима учун келтирдим. Ушанда атиги икки қулоч келадиган кўприкни қуриш учун Москванинг миннатли «ҳиммати»га муҳтож бўлинган. Чунки дошқозон ҳам, чўмич ҳам юқорининг қўлида эди. Ҳолбуки, бу кўприкни ҳозир оддий бир тадбиркор савоб учун узоғи билан ўн кунда қуриб берярди. Шунақа, одамларимиз фойдаю зарарнинг, гуноҳу савобнинг фарқига етадиган бўлиб қолишди.

Аллоҳга минг қатла шукрки, Президентимиз айтмоқчи, биз иқтисодий ислоҳотларни маънавий, маърифий ислоҳотлар билан қўшиб олиб боришимиз туфайли қисқа муддат ичида мисли кўрилмаган оламшумул ютуқларга эришдик. Бунинг учун кенг кўламли бунёдкорлик ишларига, осмонўпар қурилишларга куз ташлашнинг ўзи кифоя: ўзбек автомобиллари, янги ҳаво ва темир йўл тармоқлари, олтин ва нефтни қайта ишлаш корхоналари, жаҳоний бозорлар, миллий боғлар, савдо расталари, дўстлик рамзи — юзлаб қўшма корхоналар, чангуборлардан поклaнган миллий қадриятлар...

Қайта қуриш йилларида рус публицисти Черниченко «Огонёк» журналида «Агар Россия галласи бўлмаса Туркманистон билан Узбекистон халқи очидан ўлади», деб ёзган эди. Қисқа муддат ичида уша Узбекистон ғалла мустақиллигига эришай деб қолди. Бошқа мамлакатлардан ёнилги сотиб олмай қўйдик.

Россия думаси ва сайловолди талотўпларидан гарангсиган айрим сиёсатдонлар «янгиланган иттифоқ», «чуқурлашган интеграция» сингари терминларни ўйлаб топишмоқда. (Эҳтимол, бу уларнинг нафақат сайловолди, балки юраклари тубида асрлар оша илдиз отган империячилик сиёсатининг қовжираган майсасига сув қуйиш мақсадида қилинаётган уринишдир). Ҳар қалай жаҳон афғор оммаси «реал социализм», «ривожланган социализм» деган уйдирмаларни ҳам кўрган. Бу хил терминлар коммунистик мафкуранинг, қизил империянинг эски қуроли эмасми? Бизнингча, терминбозлик билан қорин тўйғазиб бўлмаслигини тарих исботлаб берди. Шунинг учун ҳам юрагида эрк, ҳурлик ғурури бўлган ҳар бир халқ «чуқурлашган интеграция» деган ғояни қаттиқ қораламоқда. Куни кеча Болгарияда ҳам шу ғояга қарши кўпминг кишилик митинг бўлиб ўтганини «Труд» газетаси хабар берди.

Президентимизнинг Хоразм вилояти сессиясидаги баёноти ва Узбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобида айтилганидек, биз ҳар қандай иқтисодий, маданий алоқаларга қарши эмасмиз. Лекин бу хил алоқалар бирор бир халқнинг мустақиллиги, эрки зиёнига бўлмаслиги керак. Зуравонликка асосланган ҳар қандай дўстлик, истанг-истаманг, қўлликка олиб келади. Тўғри, айни пайтда бир мунча иқтисодий қийинчиликлар мавжуд. Лекин қийинчилик қачон ва қаерда бўлмаган? Мустақиллик халқларнинг асрий орзуси. Кўп ҳолларда мустақиллик нон эвазига эмас, қон эвазига қўлга киритилган. Шунинг учун уни нонга алмаштириб бўлмайди.

Энди СССРни қумсаётган айрим қўшни давлатлар ҳақида. Бу масалада менинг шахсий фикрим шундай: емтўрвага ўрганган қирчанғи от арпа хирмони ёнида турган бўлишига қарамай, ем еган тўрваси сари интилар экан. Зеро, емтўрва бўм-бўш бўлса ҳам...

Неъмат АМИНОВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари.

Оилада таълим

ИЖОДКОРЛИК ВА МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Яна уч кундан сўнг қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрида республика педагогик жамоатчилиги ҳаётидаги муҳим воқеа — педагогик ўқишлар бошланади. Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган бу улкан анжуманда 9—13 апрель кунлари республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ўтказилган педагогик ўқишларнинг ғолиблари якунловчи босқичда таълим соҳасидаги ижодкорлик ва маҳоратларини намоён этадилар.

Тузилган дастурга кўра педагогик ўқиш қатнашчилари 30 та шўъбада 400 дан зиёд маъруза билан қатнашадилар. Бу маърузаларда ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш амалиётидаги янги ғоялар, илғор тажрибалар, самарали усуллар, амалий натижалар кўрсатиб берилади, албатта. Буларнинг энг яхшилари республикамизда халқ таълимини ислоҳ қилишдаги ишларга янгиликлар бахш этувчи умидли йўналишлар бўлиб қолади.

Шубҳасиз болаларни мактабга тайёрлаш тажрибалари ҳам респулбика педагогик ўқишларида муҳокамага сазовор бўладиган мавзулардандир. Унда албатта, бу соҳадаги наманганликлар тажрибаси ҳам таъкидланади.

Газетамизнинг 2-саҳифасида «Наманганликлар тажрибаси» тафсилотлари билан танишасиз.

⇒ 2

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони чиқди.

● Нукусда туман ва шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, уюшмалар, ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг бир қатор қонунларини ҳаётга татбиқ этиш масалалари кўриб чиқилди.

● Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да тўрт кун давомида бўлиб ўтган «Соғлиқни сақлаш-96» дори-дармонлар ва тиббий асбоблар халқаро кўргазмаси муваффақиятли якунланди. Унда 20 мамлакатдан 130 дан ортиқ фирма қатнашди.

● Шу йилнинг 2 апрелида Россия ва Белоруссия мамлакати президентлари мустақил давлатлар ҳамжамиятини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекишди. Шу куниёқ Минск шаҳрида муҳолифатдагилар бу шартномага ўз норозиликларини билдириш мақсадида митинг уюштиришди. Улар Россия билан интеграцияни чуқурлаштириш Белоруссия мустақиллигига таҳдид солади, дейишмоқда.

● Борис Ельциннинг Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон мамлакатлари президентлари томонидан имзоланган интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномага Болгария ҳам қўшилиши мумкин, деган баёноти София шаҳрида минглаб қишиларнинг норозилик намойишига чиқишга мажбур этди.

● Россия Марказий сайлов комиссияси томонидан Борис Ельцин номзоди июнь ойида бўладиган президентлик сайловига қўйилиш учун расман қайд этилди.

● АҚШ президенти Клинтон, ўз маъмуриятининг Россияда бўлиб ўтадиган президентликка сайловда ҳеч бир номзодни қўллаб-қувватламаслигини таъкидлаш баробарида Россиядаги ислоҳотлар жараёнига хайрихоҳлигини ҳам айтиб ўтди.

Таклиф

АТТЕСТАТ ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

Фарғона вилоятининг Дангара туманидаги М. Юсупов номли 27-ўрта мактабда физика фанидан дарс бераман. Дарсларимда асосан оммавий тест усулидан фойдаланаман. Ёзма ишларни ҳам тест усулида оламан.

Тестнинг олий ўқув юртларига татбиқ этилиши жуда аъло иш бўлди, чунки билимли, қобиляитли йигит-қизлар ўқишга кира бошладилар. Лекин нима учундир, давлат ҳужжати бўлган аттестат «эсдан чиқарилмоқда».

Сўзимнинг маъноси шуки, мактаб томонидан берилаётган аттестат оддий қоғоз вазифасини ўтамоқда, яъни ундаги баҳолар олий ўқув юртига кириш учун инобатга олинмаяпти.

Бу ҳолатнинг ўқитувчиларга салбий таъсири бор, албатта. Илгарилари биз мактабда ўқиган даврларда аттестатимга ёмон баҳо тушиб қолмасин, деб бор кучимиз билан ўқир эдик. Ҳозирги ўқувчилар эса бу тушунчадан анча йироқда, сабаби юқорида айтганимдек, аттестат баҳосининг аҳамиятсизлигидадир.

Менинг таклифим олий ўқув юртига кирувчиларнинг аттестат баҳоларига ҳам эътибор берилса ва тўплаган баллари ҳисобига киритилса. Агар шу фикрим амалга ошса, ўқувчиларда фанларга қизиқиб ўқиш янада кучаяди. Бу билан тест усулига соя солмоқчи эмасман, балки уни ривожлантиришни назарда тутаяпман.

Ҳозирги кунда ўқувчилар тест усулини қўллаб-қувватламоқдалар, уни қизиқиб ўрганмоқдалар. Агар юқоридаги фикрларим амалга ошса, менимча тўғри иш бўлар эди, мактабларда ўқувчиларни дарсларга қизиқтириш ҳам ўз самарасини берар эди.

Бу таклифга республикамиздаги бошқа ўқитувчиларнинг муносабати қандай бўлар экан?

Рустамжон ШЕРМАТОВ,
Дангара тумани.

Мулоҳаза

БОБОЛАР ҚАДРЛАГАН ФАН

Эътибор беринг-а, аср бошида мустақилликка интилган боболаримиздан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий география хусусида бир неча дарсликлар яратади. Нега, деган ҳақли савол туғилади.

Узбек халқида: «Ўз қадрини билмаган, узганинг қадрига кандай етсин», деган чуқур маъноли нақл бор. Инсон ўзининг асл қадрини даставвал яшаб турган Ватан тарихини, географиясини билиш орқали англаши мумкин. Шунинг учун ҳам она-Ватанга, ўзбек халқи тарихига, географиясига, маданиятига умумжаҳон тараққиёти нуқтаи назаридан, бугунги куннинг нигоҳи билан баҳо бериш муҳим ишдир.

Минг афсуслар бўлсинки, йирик олимлар ва мутафаккирлар: Ал-Беруний Ал-Хоразмий, Темуру Бобурлар ватани қадимги Турон заминида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган, ниҳоятда муҳим ҳисобланган географиянинг мавқеи кун сайин йўқолмоқда. Баъзилар, кескинроқ айтаётган бўлсам узр сурайман, айрим зиёли олимлар ҳам география ҳақида юзаки тушунчага эга. Уларнинг география ҳақидаги дунёқарашлари тоғу тошлар, дарё-кўллар, қолаверса сайёҳлару саёҳатлар доирасидан нарига ўтмайди. Ваҳоланки, география, айниқса иқтисодий ва ижтимоий география соҳасида мактабда етарли ва чуқур билимга эга бўлмаган ўқувчи бозор иқтисодиётига хос тушунчаларни, қонуниятларни, унинг моҳиятини, мазмунини яхши англаб олмайди.

Умумжаҳон доирасида 90-йиллардан кейинги даврда бўлинган ижтимоий-сиёсий ва ҳудудий ўзгаришларни мактаб ўқувчиларига география ва тарих ўқитувчиларидан бошқа яна ким ҳаққоний ва батафсил тушунтириб бера олади? Президентимиз саноатни қишлоққа, қишлоқ жойларига кўчиришимиз керак, у ерлардаги ортиқча ишчи кучини бошқа хўжалик соҳаларига даставал хизмат кўрсатувчи тармоқларга ва замонавий техника ва технологияга асосланган саноатга йўналтиришимиз, республика халқ хўжалиги таркибини тубдан ўзгартиришимиз зарур дея, ниҳоятда чуқур маъноли, катта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этувчи ғояларни илгари сурди. Халқ хўжалиги, саноат ва қишлоқ хўжалиги, шаҳар ва қишлоқ, хўжалик мажмуалари, тизимлари, айрим соҳа корхоналари, меҳнатга лаёқатли аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳақидаги зарурий тушунчалар, атамалар фақат ва яна фақат мактаб география дарсларида таҳлил қилинади-ку, ахир.

Кейинги йилларда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари (география мутахассислигидан бошқа)да география фанидан қабул имтиҳонини қатордан чиқарилишини

(Давоми 3-бетда).

«ИСТИҚБОЛ»НИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон информатика ўқитувчилари ва мутахассисларининг «Истиқбол» уюшмаси ўз ишини мустақилликнинг биринчи йили байрам қилинаётган пайтларда бошлади. Унинг олдига ўқувчилар компьютер саводхонлигини яхшилаш, уларга мос миллий дарсликлар, дастур ва қўлланмалар билан таъминлаш каби вазифалар қўйилган эди.

Хўш, ўтган давр мобайнида қандай амалий ишлар қилинди? Дарсликлар, дастур ва қўлланмалар яратишда олимлар ва мактаб ўқитувчилари ҳамкорлиги қай даражада бўлди? Компьютер илми таълимтарбия масалаларига чуқур кириб бордими? Умуман, уни халқаро уюшма даражасига кўтариш мумкинми? Куни кеча РТИММ мажлислар залида бўлиб ўтган уюшма қурултойида ана шу каби масалалар ҳақида сўз борди.

Анжуманни Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жура Йўлдошев киришув сўзи билан очди. У хусусан, боғча, мактаб, ҳунар-техника билим юртлари, лицейлар, бизнес мактаблари замонавий компьютерлар билан нечоғли таъминланганлиги, «Узбекучавтоматика» акционерлик жамиятининг бу борадаги фаолияти, ҳозирги информатика фани ўқитувчилари малакаси ва уларни қайта тайёлаш усуллари, компьютерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари, тажриба майдончалари зарурлиги ҳақида таҳлилий фикрлар билдирди.

«Истиқбол» уюшмаси раиси, Узбекистон ФА академиги Восил Қобулов ўғил-қизларнинг компьютер саводхонлиги масаласига атрофлича тўхталди. Информатика ўқитувчилари ва мутахассисларининг ўрни, бурч ва вазифаларини алоҳида қайд этди.

Қурултойда «Истиқбол» уюшмаси директори Толибжон Ҳайдаровнинг «1992-1995 йилларда уюшма бажарган ишлар ҳақида»ги ҳисоботи тингланди. Нотиқнинг таъкидлашича, уюшма оёққа туришида, информатика фанини Узбекистонда ёшаришида халқ таълими вазирлигининг ёрдами катта бўлди. Жумладан, 1993 йил 30 январь куни шу соҳанинг олимлари, методистлари, мутахассислари ва илғор ўқитувчиларини тўплаб кенгайтирилган илмий-методик кенгаш ўтказилди. Кенгашдаги барча таклифлар инобатга олиниб, 1993 йил 8 февраль куни информатика фанини 8-синфдан бошлаб ўқитиш ҳамда уни дастур ва дарслигини яратиш ҳақида буйруқ чиқарилди.

Муаллифлар гуруҳи 8-синф учун дастур ва дарсликни яратишди. Шу тариқа ёзилган 8-9-синфлар учун дарсликлар уюшма томонидан тезлик билан ҳар бир мактабга етарли қилиб чоп этилди.

Тажрибадан, синовдан ўтказилган дарсликлар бир йилдан кейин 500 минг нусхада «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилиб, мактабларга тарқатилди. Ҳозирги кунда 10-синф учун қўлланма — синов дарслиги босмахонага топширилди.

Муаллифлар билан ҳамкор-

(Давоми 3-бетда).

МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ

Истиқлол миллий урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимизни қайтариб бермоқда. Қобиляитли ёшларнинг ҳунар эгаллашларига кенг қулайликлар яратди. Ҳозирги даврда ҳар бир зеҳни ўткир, истеъдодли иштиёқли ўқувчи ўзи хоҳлаган мамлакатда таълим олиши мумкин. Бу эса келажаги буюк мустақил Узбекистоннинг янада юксалишида катта аҳамият касб этмоқда.

Газета саҳифаларида ёритилишича, Россия Давлат Думаси иттифоқдош республикаларни қумсаб қолишиб, «СССРни қайта тиклаш ҳақида» қарор қабул қилибди. Бу бемаъни, эски тўрвадан тушиб қолган фикрдир. Истиқлолга эришганига беш йил тулаётган ўлкамизнинг ривожланишига ҳеч ким ҳеч қандай раҳна сололмайди. Мустақилликка эришган халқимиз энди ўзига хон, ўзига бек бўлиши керак, деб ўйлайман.

Нигора ИСРОИЛОВА,
Жиззах шаҳридаги 22-мактаб-гимназиянинг 11-синф ўқувчиси.

БОШИНГ ТОШДАН БЎЛСИН, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Руҳингиз қўллади, Навоий бобо,
Эсди бошимизда жонбахш бир сабо.
Йилни атагандик номингиз билан,
Бизга насиб этди эркинлик сафо.
Оёққа қалқ энди, жафокаш халқим,
Сен озод халқ энди, жафокаш халқим.
Мунаввар дўппингни қўндириб бошга,
Қуёшдай балқ энди, жафокаш халқим.
Шердил фарзандларинг қалқонинг, бу чин,
Ҳар ўғлинг Алпомиш, ҳар қизинг Барчин,
Энди ўз еринг бор, ўз осмонинг бор,
Қанот ёз кўкларда мисли сор, лочин.
Қафасдан отилиб чиққан ҳар бир қуш,
озодлик гаштидан бўлармиш сархуш.
Огоҳ бўл, бор ҳали Макру Хиёнат,
ўтган кунларингни этма фаромуш.
Эрк дея қурбонлар берганинг ростдир,
Гул дея тиканлар терганинг ростдир.
Ташиб кетсалар ҳам бору йўғингни,
Ўзинг бармоқ тишлаб турганинг ростдир.
ЎЗБЕГИМ, тегранта назар сол ҳушёр,
Дунё ҳушёрга ёр, ғофил учун дор.
Қайтмаймиз истиқлол йўлидан энди,
Боболар пок руҳи бизга мададкор.
Мангу барқарор бўл, озод маконим,
Бор бўл ҳалол ерим, шаффоф осмоним.
Оламда тоабад бахтиёр яша,
Бошинг тошдан бўлсин, ЎЗБЕКИСТОНИМ.

Сайфулло ҒАФУРОВ,
Шофиркон тумани,
Ҳамза номидаги мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ИСТИҚЛОЛИМИЗ АБАДИЙ

Мустақиллик шарофати ила ижодиёт марказимизда узоқ йиллар нописандлик билан қараб келинган халқ амалий санъатига оид ҳар хил тўгараклар — зардўзлик, каштачилик, наққошлик, дўппидўзлик, жиякдўзлик сингари тўгараклар фаолият кўрсатаётир. Жонажон Узбекистонимизни жаҳон танимоқда. Кўпгина хорижий давлатлар билан мустаҳкам алоқада бўляпти. Қобиляитли ёшларимиз чет давлатларга бориб, жаҳон тилларини ўрганишаётир.

Ургут туманидаги «Иқбол» номли турк лицейида ўқувчилар билим олишмоқда. Яқинда туман ижодиёт марказида ёш болаларнинг тил ўрганишлари учун гимназия ташкил қиламиз. Иқтидорли болаларнинг республика у слётида болалар ва ўсмирлар марказининг зардўз қизларидан Гўзал Шарипова миллий санъат асарлари билан иштирок этди. Ҳар бир ўқувчимиз мустақил Узбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун ажойиб ҳунарларини намойиш этиб элга хизмат қилишга аҳд қилганлар.

Дилфуза ИБРОҲИМОВА,
Самарқанд вилояти Ургут тумани болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказининг оммавий ишлар ташкилотчиси.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ИСТЕЪДОДЛАР БАЙРАМИ

Чортоқ туман санъат саройида ўтказилган «Йил ўқитувчиси — 96» кўрик танлови ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Ўқитувчиларнинг ҳақиқий истеъдодига шахсан гувоҳ бўлиш, уларга ҳомийлик қилиш мақсадида бу ерга туман ҳокимияти, деҳқон жамоа хўжаликлари, корхона, муассаса ва мактаблардан вакиллар ташриф буюришди. Танлов якунига кўра 25-ўрта мактаб ўқитувчиси Ф. Баҳолиров биринчи, 38-мактаб муаллимаси Ф. Солиева иккинчи ўринга эга бўлишди. Ғолиблар туман халқ таълими бўлими ҳамда ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

СОҲИБҚИРОН МУЗЕЙИ

Яккабоғ туманидаги Ойбек номли ўрта мактабда шу мактабнинг тарих фани муаллимаси Ҳабиба Орипова ташаббуси билан соҳибқирон Амир Темур музейи ташкил этилди. Музейдан соҳибқиронинг буюк шахс, енгилмас саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, нозик дидли меъмор, нотиқ, руҳшунос, халқпарвар инсон эканлиги тўғрисидаги кўргазмалар жой олган.

Энг қувонарлиси шундаки, ўқувчилар тарих дарсларида бу кўргазмалардан кенг, унумли фойдаланиш билан бир қаторда бобомиз Амир Темур ҳақида бой таассуротларга эга бўлишмоқда.

ЧЎЛПОН БАРЧАНИНГ ФАХРИ

Яқинда Марҳамат туманидаги 14-мактабга узбекнинг атоқли шоири Абдулҳамид Чўлпон номи берилиши муносабати билан бу ерда мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларининг чўлпонхонлик кечаси бўлиб ўтди. Кечада сўзга чиққанлар шоирнинг ҳаёт йўли ҳақида қуюниб гапиришди, шеърларидан намуналар ўқишди, «Кеча ва кундуз» романи асосида саҳна кўринишларини намойиш этишди. Умуман айтганда, мактаб Чўлпон номи билан атала бошлаганлигиниг узиёқ барча-барчада чексиз фахр туйғуларини уйғотди.

МАКТАБЛАРГА ЕР АЖРАТИЛДИ

Яқинда Иштихон тумани ҳокимлиги тумандаги ўрта мактаблар учун 2 гектар, 8 йиллик мактаблар учун 1 гектар, суғориладиган ер ва узумчилик билан шуғулланадиган хўжаликлар ҳудудидаги мактабларга ярим гектардан ер ажратиб берди. Энди барча ўқувчи ва ўқитувчилар мазкур ажратилган ер майдонларда жисмоний меҳнат билан ҳам шуғулланиб, ўз эҳтиёжларини қондириш имконига эга бўлишди.

«СУНБУЛА»НИНГ ОМАДИ

Бувайда туманидаги 14-ўрта мактабда ўтказилган навбатдаги мушоира баҳор байрами — Наврўзга бағишланди. Унда 9- синфнинг «Сунбула» ҳамда 11-синфнинг «Қалдирғоч» командалари ўзаро куч синашдилар.

Ниҳоятда таъсирчан, тортишувларга бой ўтган бу беллашувда омад «Сунбула»га кулиб боқди. Улар барча шартлар бўйича баллар ҳисобида 11-синф ўқувчиларини анча ортда қолдириб, йиғилганларни ҳайратда қолдиришди.

Муаллифлар: Ў. Мўминов, Х. Тўраев, А. Эралиев, Ҳ. Нурмаҳмадов, А. Дарвишев.

Педагогик ўқишлар мавзусида

НАМАНГАНЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ

МАКТАБ ОСТОНАСИДА

Халқимиз не-не машаққатлар эвазига эришган буюк маънавий неъмат — республика мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, Ватан равнақини ошириш одамларимиздан барча соҳаларда ҳалолу пок ишлашни, ижодий меҳнат қилишни, изланишлар олиб бориш ҳамда замонга хос янгиликлар яратишни талаб этмоқда. Бу борада мамлакатимиз халқ таълими тизимида ҳам эътиборли ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон мамлакатларидаги илғор иш тажрибалари ижодий ўрганилиб, маорифга татбиқ этилмоқда. Чунончи, Япония, Англия, Франция каби мамлакатларда болалар мактабга ҳарф таниб, ёзиш-чизишни, ҳисоблашни ўрганиб, табиат ҳодисаларини билиб, воқеаларга нисбатан муносабатни эгаллаб келар эканлар.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ана шундай илғор тажрибаларга таяниб, «Болаларни мактабга тайёрлаш» дастури ва тайёргарлигини аниқлаш мезонлари»ни ишлаб чиқди. Бу ҳужжатда болаларни боғча ёшиданоқ таълим олишга ҳозирлашда кенг жамоатчилик, яъни оила, маҳалла аҳли ва маҳалла қўмиталари қўмагига таяниш, муаллимларнинг бўш вақтларидан шартнома асосида унумли фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. УзПФИТИ томонидан тайёрланган бу мезонлар — «Истиқбол дастури»да боғчага қатнамайдиган болалар учун мактаб, боғча, болалар саройлари, маҳаллалар қошида тайёрлов гуруҳлари очиш бўйича ҳар йили қилинадиган ишлар ҳам кўрсатиб берилган.

Наманган вилоятида, айниқса, янгилик тез фурсатларда амалга жорий этилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходимлари эса боғча ёшидаги болаларни мактабга тайёрлашнинг дастур ва режаларини, ўқитувчилар билан тузиладиган шартномаларни ҳозирладилар.

Тажриба асосан бешта йўналишда — оила, боғча, маҳалла қўмиталари, мактаб ва таътилдан қайтган муаллимлар билан шартнома тузиш асосида олиб борилди. Шундай қилиб, 1994-95 ўқув йилидаёқ вилоятдаги барча олти ёшли болалар тайёрлов гуруҳларига қамраб олинди. Натижа чакки бўлмади. Ўғил-қизларда мана шу йилиёқ одоб-ахлоқ малакалари, нутқ ва маданий муомала одоби, кийиниш ва овқатланиш одоби, ўқиш ва ўқиб олиш одоби каби кўникмалар шакллантирилди.

Болани оилада унинг ота-онаси ёки акаопаси қўмагида тайёрлаш, айниқса нозикдир. Чунки ҳамма хонадонларда ҳам бунинг учун шароит етарли деб бўлмайди. Шу сабабли ҳар йили август ойида ўқитувчи оилаларга боради ва у ердаги шароит, муҳит, боланинг феъл-атворини ўрганади, ота-оналар билан суҳбатлашади. Агар хонадон эгалари ўз фарзандларини уйларида тайёрлаш истагини билдиришса, бунда битта хона мактаб талаби даражасида жиҳозланади, зарур шароит ҳозирланади. Ҳар бир хонадонга ўқитувчи бириктирилади. Ота-она мактабдаги тайёрлов гуруҳи услубий хонасида таълим-тарбияга оид қоидаларни ўрганади ҳамда вақти-вақти билан маслаҳатлар олиб туради. Машғулот 140 соатлик дастур асосида юритилади.

Маҳалла қўмиталаридаги машғулот ҳам 140 соатлик дастур асосида олиб борилади. Бунда битта хона махсус жиҳозланади, маҳалла қўмитаси ўзига маъқул ўқитувчини келишилган ҳолда ишга жалб этади. Мазкур гуруҳда фақат шароити оғир оилаларнинг фарзандлари тарбияланади. Қўмита уларга ҳомийлик вазифасини бажаради.

Боғчалар ва уй боғчаларидаги таълим-тарбия 160 соат режалаштирилади. Мактабда эса бунинг учун 126 соат ажратилади. Бунда узоқ муддатли таътилдан қайтган муаллимлар маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар фарзандларини бепул ўқитадилар.

Болани шартнома асосида ўқитиш учун ота-она ҳар йили август ойида мактабга мурожаат қилади. Ўқитувчи ва ота-она ўртасида шартнома тузилади. Ҳар иккала томон ҳам келишилган режа бўйича шартларни ўз вақтида бажариб борадилар. Болани мактабга тайёрлашда педагогика, психология ва тиббиёт талаблари ҳисобга олинади.

Мана, орадан икки йилга яқин вақт ўтди. Шу қисқа давр мобайнида вилоятда болаларни мактабга тайёрлаш борасида муайян тажриба орттирилди, малакалар ҳосил қилинди. Чунончи, ўтган йили ўғил-қизларни таълим олишга тайёрлаш бўйича республика семинар-кенгашининг Наманган шаҳрида ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Яқиндагина илк қалдиргоч ҳисобланган болалар ҳозир биринчи синфда аъло баҳоларга ўқишяпти. Қуйида наманганликлар тажрибаси билан танишасиз.

Чортоқ шаҳридаги 10-мактаб олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Мавлуда Фозилова тайёрлов гуруҳида сабоқ бермоқда.

Чуст шаҳридаги 7-мактаб ўқувчиси Нилуфар Исмоилова 8 ёш бўлишига қарамасдан ҳозирда 5-синф дастурини ўзлаштирмоқда.

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

1995-96 ўқув йили бошида шаҳримиздаги олти ёшли 890 нафар ўғил-қизни тайёрлов гуруҳларига тортишимиз режалаштирилган эди. Аммо фуқароларнинг 500 нафар фарзанди боғчага қатнамайди. Нима қилиш керак? Биз ҳеч иккиланмай болаларни шартнома асосида мактабга тайёрлашга эътиборни қаратдик. Шаҳар халқ таълими бўлими томонидан шартнома ҳақидаги низом тузилди ва ана шу шартнома асосида ишни бошладик.

Ишлаб чиқариш ва бошқа хизматлар билан банд бўлган ота-оналар фарзандларига савод ўргатиш учун ўқитувчилар билан шартнома туздилар. Муаллимларга ҳар бир болани таълим олишга тайёрлагани учун 186 сўмдан ҳақ тўланди. Кўп болали, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун эса мактабларда алоҳида гуруҳлар очилди. Ушбу гуруҳлардаги машғулотлар кузги, қишки, баҳорги таътил кунларида ташкил этилди. Ҳозир 138 нафар болага ота-оналари ўз хонадонларида савод ўргатмоқдалар.

Шаҳардаги «Бўлон» маҳалла қўмитаси маҳалла ҳудудидаги 12 та шароити оғир оила фарзандларини мактабга тайёрлаш учун 1500 сўм пул ажратди. Бу хайрли ташаббусни бошқа ҳомий ташкилотлар ҳам қўллашди. Ажратилган маблағнинг 900 сўми ўқитувчига иш ҳақи учун, 600 сўми ўқув қуроллари сотиб олишга сарфланди. Шунингдек, ёш ижодкорлар маскани 12 нафар ўғил-қизни тайёрлов гуруҳидан ўтказиш мақсадида битта шинам хона ажратди. Бу хона талаб даражасида жиҳозланди.

Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деган гап бор. Биз ана шу йўл билан олдимиздаги муаммони осонгина ҳал қилдик. Бу ишда жамоатчиликнинг қўмаги, айниқса, асқотди. Ҳозирги кунда болаларга лотин ёзувига асосланган янги узбек алифбосида савод ўргатиш устида кенг қамровли иш олиб боряпмиз. Тажрибамиз етарли. Бу усул кўпчиликка маъқул тушди. Келаси йили ишни қийналмай бошлаймиз ва яхши натижаларга эришамиз, дейиш учун асослар етарли.

Абдулҳамид РАҲМАТОВ,
Чортоқ шаҳар халқ таълими бўлими мудири.

АФЗАЛ УСЛУБЛАР

Авваллари болаларнинг кўпчилиги мактабга ҳеч қандай тайёргарликсиз келардилар. Бу — бошланғич синф ўқитувчисига анчагина қийинчиликлар туғдирарди. Биз биринчи синфни ўғил-қизларга алифбо ўргатиш, ёзув-чизувдан саводини чиқариш билан якунлардик. Олти ёшлиларнинг ёппасига тайёрлов гуруҳларидан ўтказилиши кўп қулайликларнинг яратилишига сабаб бўлди. Энди мактабда бола алифбосиз ўқийди, тўғридан-тўғри таълим олаверади.

Мен болаларни ўқитишни бошлашдан олдин, яъни синов даврида уларни қаерда тайёргарликдан ўтганлигини кўриб чиқаман. Уларнинг орттирган билимларини бир-бири билан таққослайман, хулосаларни таҳлил қиламан.

Таълимнинг пухта бўлиши учун ота-оналар ва боғча тарбиячилари билан ҳамкорлик ўрнатиш жуда муҳимдир. Мен йил бошида мактабга келадиган болани ўрганиш мақсадида битта умумий дафтар юритаман. Унга ҳар бир ўқувчининг расми ёпиштирилади. Саҳифаларга қуйидагилар ёзилади:

1. Исми-шарифи.
2. Туғилган йили, ойи, куни.
3. Ота-онасининг исми-шарифи, манзилгоҳи, касби, иш жойи.
4. Бола оилада нечанчи фарзандлиги.
5. Феъл-атвори, қизиқиши.
6. Синовдан ўтган даврдаги билим даражаси.

Дафтар тўрт йилга мўлжаллаб юритилади ва ўқувчидаги ўзгаришлар босқичма-босқич ёритиб борилавераді.

Мен мактабга қабул қилинган болани яна бир бор синовдан ўтказиб оламан ва уларни уч гуруҳга бўламан.

Биринчи гуруҳдаги бола синовдан тўлиқ ўтган бўлади. Мен унга уйга вазифа қилиб мураккаброқ топшириқ бераман.

Иккинчи гуруҳдаги бола синовнинг баъзи шартларини бажара олмаган бўлади. Масалан, ёзуви яхши, лекин арифметик амалларни билмайди. Ёки атрофдаги воқеа-ҳодисаларни фикрлаши, қобилияти дуруст, аммо ёддан зарур нарсаларни айта олмайди. Мен асосий эътиборни уларнинг ана шу бўш томонларига қаратаман.

Учинчи гуруҳдаги боланинг эса ёзуви хунук бўлади, арифметик амалларни яхши билмайди ёки ёддан кўп нарса айта олмайди. Бундай боланинг ота-оналарига, ака-опаларига кўпроқ таълимий маслаҳатлар беришга, унинг билан кўпроқ шуғулланишга тўғри келади.

Мазкур тажрибам жуда яхши самара бераяпти, деб мен баралла айта оламан. Мен ўқитган ўқувчилар орадан ўтган етти ой мобайнида билим борасида бир-бирларига тенглашиб олдилар. Натижада биз туман миқёсидаги бошланғич синфлар олимпиадасида биринчи ўринни эгалладик.

Раъно ИМИНОВА,
Уйчи туманидаги 36-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

АЛИФБО МАҲАЛЛАДА ЎРГАТИЛАДИ

Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни билан маҳалламиз фуқаролар йиғинида тўлиқ танишиб чиқдик ва тегишли тадбирлар белгиладик. Рўйхат қилиб кўрсак, маҳалламиздаги 80 фоиз бола мактабгача тарбия муассасаларига қатнайди, уларнинг 20 фоизи эса боғчаларга тортилмаган экан. Шунинг учун шаҳар халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда маҳалламиз фуқаролар йиғини қошида алоҳида услубий хона ташкил қилдик. Бунда шаҳар ҳокимлиги томонидан берилаётган моддий ва маънавий ёрдам ҳамда ота-оналарнинг қўмаги, айниқса, қўл келди. Услубий хонани ҳозирги талаб даражасида ва режа асосида ўқув қуроллари билан таъминладик, таълимга мослаб жиҳозладик. Болаларга сабоқ бериш учун эса тажрибали ўқитувчи Муҳаррам Отамирзаевани муносиб деб топдик.

Албатта таълим-тарбия ишини фақат муаллим зиммасига юклаб қўйсак, нотўғри бўлур эди. Шунинг учун ота-оналарни, мактаб ўқувчиларини ҳам тайёрлов гуруҳидан тез-тез хабар олиб туришга, ўқитувчига кўмаклашишга даъват этдик. Натижа ёмон бўлмади. Улар фарзандлари, укаларининг камол топиши олдида масъулият ҳис қилдилар.

Мана, орадан анчагина вақт ўтди. Бу орада олти ёшли болалар кўп нарсани ўргандилар. Маҳалламизда эса аҳиллик, жамоатчилик, ҳамкорлик янада кучайди. Ота-оналар, ўқувчилар бўш вақтларини фойдали ишга сарфлайдиган, фаол ўтказадиган бўлдилар.

Ҳозирда болаларни мактабга тайёрлаш борасидаги ташкилий ишлар қўл келиб, «Маҳаллам — гурурим менинг!», «Тарбия учоғи» каби мавзуларда йиғинлар, «Ота-оналар кўрик-танлови», «Ота-оналар куни» каби тадбирлар ўтказяпмиз. Бугунги кунда маҳалламиздаги 45 та оиланинг фарзандлари биринчи синфда алифбосиз ўқиш учун тайёрланмоқда. Шундан 35 нафари боғчага боради, 10 нафари эса бизнинг услубий хонамизда таҳсил олаяпти. Маҳалламиз фуқаролар йиғини фаолларининг юқоридаги каби олиб бораётган эзгу ишлари, ўйлаймизки, ўғил-қизларимизнинг келажаги буюк давлатимиз учун муносиб ворислар бўлиб етишишларида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Ҳамидулло ТУРСУНОВ,
Учқўрғон шаҳридаги Охунбобоев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ТАЪЛИМ ҲАМ БЕШИКДАН БОШЛАНАДИ

Мақсадимиз болаларга таълим-тарбия беришдан иборат, десак, бу фикримизни тўлиқ ифодалай олмайди. Биз ўғил-қизларимизга замонавий таълим-тарбия беришимиз лозим. Бунинг ўзагида эса таълим-тарбия жараёнини атрофдаги воқелик билан чамбарчас боғлаш, миллий-мафкуравий жиҳатдан таъминлаш масаласи ҳам ётади. Ана шундай эзгу ишга қанчалик эрта киришилса, шунчалик тез яхши натижага эришиш мумкин.

Халқимиз орасида болага тарбия беришни у ҳали туғилмасданоқ бошлаган маъқул деган ривоят бор. Агар мактабга тайёрлаш гуруҳларини ибора билан «мактаб бешиги» деб атайдиган бўлсак, биз болага таълим беришни ҳам ана шу бешикдан бошладик, деб айтишимиз мумкин. 1995-96 ўқув йилининг бошида боғча ёшидаги 45 минг 820 бола тайёрлов гуруҳларига тўлиқ қамраб олинган эди. Энди, 1996-97 ўқув йилида олти ёшдаги 45 минг 580 боланинг ҳаммаси тайёрлов гуруҳлари орқали мактабга боради. Жорий йилда тайёрловга тортилган ўғил-қизларимиз ҳозирга қадар беш йўналишда, етти ой мобайнида узлуксиз таҳсил оладилар. Уларнинг барчаси ҳам аввало Узбекистон Давлат мадҳияси ва гербини, ёзиш ва ўқишни, содда арифметик амалларни яхши биладилар.

Ҳозир вилоятдаги барча мактабгача тарбия муассасаларида ўқув даргоҳларида тайёрлов гуруҳларига оид алоҳида услубиёт хоналари ташкил этдик. Бу хоналарнинг кўпи лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида жиҳозланди. Умуман олганда, деворий ва кўргазмали ёзувлар тўлиқ янги алифбода битилган боғча ва мактабларимиз ҳам кўп. Барча шаҳар ва туманларда тайёрлов гуруҳи иш тажрибаларига оид китобчалар чиқардик. Бошқа вилоятлардан келиб ҳатто иш услубимизни ҳам ўрганиб кетишяпти.

Биз тайёрлов гуруҳида ўқиб, мактаб бўсағасида турган болаларни ҳам танлаб олаяпмиз. Яъни, зиё масканига келаётган ўғил-қизнинг қобилияти ота-оналар, қабул комиссияси аъзолари томонидан синаб кўрилади. Синов шартлари шундай бўлади:

— Нечта ҳарфни, сўзни, гапни ўқий олади?
— Ҳарфларнинг, сўзларнинг матнини ёзиши.
— Нечта эртак, мақол билади?
— Нечта шеърни ёддан айта олади?
— Расмга қараб нечта гап туза олади?
— Усимликларни билиши.
— Рангларни ажратиши.
— Рақамларни таниши, ёзиши.
— Геометрик шаклларни топиши.

Ҳар бир топишмоқ шарти тўғри бажарилса, беш балли тизим асосида баҳо қўйилади. Синовда 40-50 балл тўплаганлар иқтидорлилар синфига, қолганлар оддий синфга қабул қилинади.

Бир қарашда, бу шартлар мактаб бўсағасидаги бола учун қийиндек туйилиши мумкин. Аслида унчалик эмас. Ўғил-қизларимиз олти ёшидаёқ савод арифметикасини дурустгина ўзлаштириб олишяпти. Масалан, тўртинчи синф ўқувчиси белгиланган меъёр бўйича бир минутда бегона матндан 80-90 сўзни ўқий олиши керак. Бу топшириқни бемалол уддалайдиганлар тайёрлов гуруҳларимизда кўпчиликни ташкил этади. Ҳатто уйда онаси ёрдамида тайёрлов босқичини ўтаган Чуст шаҳридаги саккиз ёшли қизимиз Нилуфар Исмоилова бу йил бешинчи синфда ўқияпти. Бу далиларнинг барчаси янги тажрибанинг самарадорлигини кўрсатиб турибди.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Тайёрлов гуруҳлари, шунингдек бу йил биринчи синфга борадиган болалар учун янги алифбодаги дарслик бизга ниҳоятда зарур. Бу масала вақт-соати етилиб ҳал бўлиб қолар. Аммо дарслик йўқ, деб қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходимлари иштирокида янги қўлланмалар тузаяпмиз, кўргазмали қуроллар ясаяпмиз. Машғулотлар янги таълимий услублар билан бойитиляпти.

Ҳабибулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

ТЕТАПОЯ

Мен «Таълим тўғрисида»ги Қонунни, бошланғич таълим концепциясини тўлиқ ўқиб чиқдим. Мактабда муаллимлар билан маслаҳатлашдим ҳамда илғор мамлакатларнинг таълим тизимидаги тажрибалар билан танишдим. Шунда менда «фарзандимни мактабга ўзим тайёрласам қандай буларкин», деган фикр уйғонди. Зеро, ҳар бир ота-она қандайдир мееърда муаллим ҳам булиши лозим-да. Мактабда бу ҳоҳишимни қувватлашди ва энди имкониятни кенгайтириш лозимлигини айтишди. Ўғилчамни аввал тиббий кўрикдан ўтказдим. Кейин китоб-дафтар, ўқув қуроллари олиб бердим. Битта хонани машғулотга мослаб жиҳозладик.

11-мактабдаги тайёрлов гуруҳи услубхонасидан оилада болани мактабга тайёрлаш учун мўлжалланган 140 соатлик махсус дастур олдим. Услубхонада маслаҳатлар беришди. Мен фарзандимга алифбодаги ҳарфларни таништира бошладим, кичик-кичик шеърлар ёдлатдим, турли расмлар кўрсатиб гаплар тузишни, таянч сўзлар ёрдамида ҳикоя айтишни ўргатдим. Ўғилчам қисқа даврда икки-уч бўғинли сўзларни, содда гапларни ўқийдиган бўлди. У ҳозир 30 дан ортиқ ҳарфларни билади, янги алифбони ҳам танийди, 7-8 та шеърни ёддан айта олади. Мақол, топишмоқ ва тез айтишлар ёрдамида нутқини ўстиришга ҳам эришдим. Ўғлимга дафтар чизигини кўрсатдим. Ёзаётганда ручкани қандай ушлаш, гавдани қандай тутиш кераклигини ўргатдим. Унга табиатни, борлиқни севиб, завқлана билиш тушунчасини бердим. Ўғлим зерикиб қолмаслиги учун 20 минутлик машғулотларни ўйин ва рағбатлантириш асосида олиб бордим. Қарабсизки, у бинойидек ўқувчи бўлиб қолди. Мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб, болаларни мактабга тайёрлашда ота-оналарнинг масъулиятини ошириш жуда зарур экан, деган фикрга келдим.

Дилором СОДИҚОВА,
Норин туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ҚАНОТ ҚОҚМОҚДА

Тайёрлов гуруҳларида иш бошлашдан олдин вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бир ой ўқиб келдим. Сўнг боғчадаги гуруҳимизга 32 нафар олти ёшлиларни қабул қилдим. Биринчи галда ота-оналар ва мактаб билан ҳамкорликни ўрнатдим. Алоҳида хонани ўқишга мослаб жизоҳладик, ҳаракатли кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар ясадик. Мактабга бориб яна ва яна дарсларни кузатдим, тажрибамни янги таълимий услублар билан мустаҳкамлаб олдим.

Яширишга ҳожат йўқ: ишнинг бошланиши менинг тасаввуримдагидан ҳам оғир кечди. Айниқса, қақажонларга ёзишни ўргатиш қийин бўлди. Лекин ижодий меҳнат инсон орзусини рўёбга чиқаришда муҳим восита экан-да. Мен ўқитган ўқувчилар аста-секин аввал ҳарф элементларини, кейин ҳарфларни ёзишни, учтўрт сўздан иборат гап тузишни, янги алифбони ўрганиб олишди. Уларда арифметик амалларни бажаришга иштиёқ ўстун келаяпти. Ҳозир бирдан ўнгача бўлган рақамларни қийинчиликсиз ёзишади. Масалан,

1+1=2
3+2=5
5—5=0
3+3=6

каби мисолларни ҳам синф тахтасида ишлай олишади. Ўғил-қизларимиз ўн ичида ўн, тескари, иккиталаб, бешталаб, ўнталаб, ҳатто юзгача санашади.

Ҳарф таниш, ёзиш, расм чизиш, содда аппликацион машқлар бажариш, шеър ёдлаш, қўшиқ айтиш, рақса тушиш, майли, булар ўз йўлига. Мана шундай сабоқни ўргатиш биринчи галдаги вазифамиз. Аммо мен ўқитган ўқувчиларим бир оз бошқачароқ чиқиб қолишди. Масалан, каттароқ ёшдаги ўқувчига: «Амир Темур бобомиз ким, бу йил нечага кирадилар? Ўзбекистонимизнинг мустақиллигига неча йил тўлаяпти? Президентимиз ким? Мадҳиямизни биласизми? Давлат тамғамиз нимани билдиради? Байроғимиздаги рангларда қандай рамзлар бор?» каби саволларни беринг, у тутилиб қолиши мумкин. Бизнинг гуруҳимиздаги ўғил-қизлар эса бундай саволларга бинойидек жавоб беришади. Мен ана шу натижаларга болалар билан якка тартибда ишлаш, педагогикамиздаги илғор услублардан қўлланиш, иштиёқни ижодий меҳнат билан омухталаштириш орқали эришдим.

Зарифа БЕРГАНОВА,
Янгиқўрғон туманидаги 8-болалар боғчаси тарбиячиси.

Чуст шаҳридаги 1-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Муқаддас Аминова шартнома асосида оилада болаларни мактабга тайёрламоқда.

МУАММО ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Вилоятимиздаги мактабларда олти ёшлиларда савод ўргатиш аллақачондан кабинет тизимида олиб борилади. Хоналар ахлоқ-одоб, касб танлаш, табиат, дўстлик, меҳр-шафқат каби мавзулар бўйича кўрсатмалар билан тўлиқ жиҳозланган. Моддий аҳволи дуруст боғчаларнинг тайёрлов гуруҳи хоналарига лингафон аппаратлари ҳам ўрнатилган. Бундай ихтисосий жиҳозлашлар ўғил-қизларни мактабга тайёрлашда жуда қўл келмоқда.

Ўқув йили охирида кузатганимизда, болаларнинг саводхонлиги бирмунча ўсгани, ўзлаштириши яхшилангани маълум бўлди. Вақт ўтиши билан уларнинг ўқиш тезлиги, луғат бойлиги, фикрлаши, оғзаки нутқи ривожланди. Аммо, бошқа томондан қараганда, оилада тайёрланган болаларнинг ёзувларида бир қатор камчиликлар борлиги сезилиб қолди. Бунда ота-оналарнинг чиройли ёзув қоидаларидан хабардор эмасликлари аниқланди. Ҳолбуки, чиройли ёзувнинг ҳам ўзига хос талаблари бор. Натижада болаларнинг ёзувини мактабда эпақага келтириш бир мунча мушкулликларни келтириб чиқаряпти.

Менимча, уй шароитида ота-оналар фарзандларига ҳарфни эмас, балки ҳарф элементларини ўргатганлари маъқулга ўхшайди.

Биз ҳар йили вилоят бўйича бошланғич синфлар ўртасида она тили ва математика фанларидан уч босқичда олимпиада ҳам ўтказамиз. Бунда болалар она тилидан тест саволларига жавоб топадилар ҳамда ифодали ўқиш бўйича амалий топшириқ бажарадилар. Ифодали ўқиш учун шеърлар, нотаниш матнлар танлаб олинади. Кейин уларнинг ижодий ишлари, масалан, оғзаки ёки ёзма ҳикояси, қўл меҳнати намуналари ва ҳоказолар кўрикдан ўтказилади.

Болалар математика фанидан ҳам тест синовларидан ўтказилади, кейин улар лойиҳалаш бўйича амалий иш бажарадилар. Ҳар иккала фандан олинган баллар ҳакамлар ҳайъати томонидан жамланади ва ўринлар белгиланади. Олимпиаданинг вилоят босқичида барча шаҳар ва туманлардан бир нафардан, жами 18 ўқувчи иштирок этади. Бундан кўзланган мақсад болаларни катта олимпиадаларга тайёрлаш, уларнинг нутқини, тафаккурини, саводхонлигини ошириш кабилардан иборат.

Сотволди ХУДОЙНАЗАРОВ,
Наманган вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг бошланғич таълим бўлими мудири.

(Саҳифани ўз мухбиримиз Аваз ҲАЙДАРОВ тайёрлади).

Сиртқи дарс

18. КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларни Камолиддин Беҳзод ҳаёти ва ижоди билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: ўқувчиларда миллий тасвирий санъатимизга, унинг тарихига мойиллик уйғотиш.

Дарс режаси:

1. Беҳзод Алишер Навоий кашфиёти.
2. Камолиддин Беҳзод ижоди ва фаолияти.

Хаттотлик ва мусаввирлик ҳақидаги рисолаларда Камолиддин Беҳзоднинг устози самарқандлик мусаввир Пир Сайид Аҳмад Боғишимолий булганлиги айтилади. Пир Сайид Аҳмад бухоролик мусаввир Жаҳонгирнинг шогирди булган. Бундан шундай хулосага келиш мумкин, ки Беҳзод асли самарқандлик булган. Эрта етим қолиб, Алишер Навоий Самарқандда ўқиб юрган чоғида бу истеъдодли бола ул зоти муборакнинг эътиборини тортган. Бизнинг бундай хулосага келишимизга яна қуйидаги икки сабаб туртки булди: бири хуросонлик тарихчиларнинг Беҳзод таржимаи ҳоли ҳақида тулиқ маълумотта эга булмаганлари; иккинчидан Беҳзод асарларида Самарқанд табиати, чорбоғлари, Самарқанддаги Амир Темур бунёдкорлик ишларининг кенг тасвирланишидир. Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъул-вақоеъ» асарида Беҳзоднинг Ҳиротда пайдо булиши Алишер Навоийнинг Султон Ҳусайн саройига келиши билан боғлиқлиги ҳақида ишора бор. Беҳзоднинг замондоши Зайниддин Восифий унинг уша даврдаги шуҳрати ҳақида ёзар экан, «Султон Ҳусайн Мирзо... санъат ҳунармандлари ва бу ҳирфа (касб) мусаввирлари таслим бошини унинг олдида қуйи солур эрдилар ва мусалламлик бошини барчалари уз ихтиёрлари билан унга топширур эдилар, унга Монийи Соний лақаб бердилар», дейди.

Беҳзод 1455 йили камбағал оилада туғилди. Ёшлигидан у нафосатга, нақш-сурат чизишга иштиёқманд эди. Доимо меҳнат ва ижод аҳлини ардоқловчи буюк инсонпарвар Алишер Навоий жуда барвақт она-онасидан етим қолган Беҳзодни уз паноҳига олади ва кейинчалик Султон Ҳусайн саройи кутубхонасининг бошлиғи Мавлоно Мирак наққошга шогирдликка топширади. Беҳзод Тарихчи ва йирик қомусчи олим Маҳмуд ибн Вали ўзининг «Баҳрул-асрор» асарида мавлоно Мирак наққош тўғрисида: «гарчи унинг устози булса ҳам, аслида шогирд эди», деб ёзиши Беҳзоднинг уз устозидан ҳам маҳоратда узганига ишорадир.

Камолиддин Беҳзод аввал Алишер Навоийнинг кутубхонасида ишлади. У ерда кучирилган китобларга безак ва суратлар тушириш билан шуғулланди. Беҳзоднинг навқиронлик йиллари яратган асарлари жўшқин, мураккаб композициялардан иборат. Буларда унинг ҳаётга, табиатга ва инсонга булган меҳри, уларни тинимсиз узгаришда қабул қила олиши, атроф-муҳитни эътибор билан кузатиши тула-тукис уз аксини топган. У табиатни оҳангдор буёқларда жозибали тасвирлайди.

Беҳзоднинг Алишер Навоийнинг кутубхонасида яратган асарларидан Саъдийнинг «Бустон», «Гулистон», Низомийнинг «Хамса», Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса», Алишер Навоийнинг «Хамса», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» каби қулёзма асарларида сақланиб қолган. Мазкур маданият ёдгорликларини урганган санъатшунослар унинг «Дарвешлар қукламзорда», «Саъдий ва қашқар йигити» сингари расмлари реал ва жонли чиққанини, оҳангдор буёқларда жозибали тасвирланганини таъкидлайдилар.

Айниқса, Беҳзоднинг Алишер Навоий достонларига ишлаган миниат — юралари чуқур инсонпарварлик ва илғор фикрли руҳи билан ажралиб туради. Наққошлик ва мусаввирликда камолот чуққисига кутарила бошлаган Беҳзодни Султон Ҳусайн Мирзо саройида ишлатишни лозим куради ва уни кутубхонасининг бошлиги вазифасига тайинлайди.

Беҳзод ижодий фаолияти ва такрорланмас даҳосининг ёркин маҳсули булмиш етук асарларининг аксари ана шу Султон Ҳусайн кутубхонасида яратилди.

Беҳзоднинг энг шоҳ асарлари Қоҳирадаги Ислом санъати музейида сақланаётган Саъдий «Бустон»и нусхасига чизилган расмлардир. Мазкур асар Султон Ҳусайн Мирзо учун Султонали Машҳадий томонидан 1488 йили кучирилган. 1959 йили мазкур «Бустон» қулёзмаси ҳақида доктор Муҳаммад Мустафо (Ислом санъати музейининг мудири)нинг «Беҳзод мактаби суратлари» номли китоби нашр қилинди. Унга суратларнинг рангли нусхаларидан намуналар илова қилинган. Беҳзод муйқаламига мансуб олти суратнинг иккитаси «Бустон» мазмунига алоқадор булмасдан, қулёзманинг эгаси Султон Ҳусайн ҳаётига доирдир. Бирида Султон Ҳусайн боғида зиёфат, иккинчисида унинг ҳузуридаги мусиқа базми тасвирланган. Маълумки, Беҳзод Султон Ҳусайннинг алоҳида портретини ҳам чизган. «Бустон»даги иккала лавҳада ҳам унинг сурати портретдагига жуда ухшаб кетади.

Мусаввир яна Алишер Навоий, Шайбонийхон, Шомий, Абдулла Ҳотифий, шоҳ Исмоил портретларини ҳам яратган. Беҳзоднинг ҳар бир асарида, миниатюраларида замондошлари қиёфаси акс эттирилгани купгина санъатшунослар томонидан қайд этилади.

«Бустон»га чизилган қолган расмлар Доро билан йилқибонлар, масжиддаги манзара, фақиҳларнинг илм урганиши, Юсуф ва Зулайҳонинг муҳаббат қиссасини тасвирлайди. Доронинг йилқибонлар билан учрашуви лавҳасида рассом меҳнат аҳли ҳаётига Шарқ тасвирий санъати тарихида биринчи булиб мурожаат этади: Доро ов қилиб юриб, адашади ва йилқибонлар қаршисидан чиқиб қолади. Улардан биринг узи томон келаётганини куриб, Доро уни душман гумон қилади ва ёй уқи билан нобуд қилмоқчи булади. Беҳзод йилқибонларнинг тинч ҳаёти қуролли суворийнинг тусатдан пайдо булиши билан бузилганини усталик билан тасвирлай олган.

Лавҳа марказида кекса йилқичининг пишиқ ва мустаҳкам қомати хушбичим, шоҳ подшоҳ савлатига нисбатан маъно чизилган. Шоирона пейзаж, сюжет мазмунини шарҳловчи ҳар бир чизиқ Беҳзоднинг етук санъаткорлиги ва ранг бериш маҳоратининг ажойиб гувоҳидир. Лавҳада Беҳзодгача булган санъаткор асарларига хос шартлилик белгилари куринмайди. Кўз ўнгимизда жонли табиат ва уни безаб турувчи инсон, тоғ қоялари, арчазор, яшил утлоқ ва зилол сувли ариқ, наслдор отларнинг жонли тасвири моҳирона танланган ранглар жозибасида тулақонли ва сирли бир табиат манзарасини ҳосил қилган.

Бу расмдан Беҳзоднинг табиатни, хусусан, унинг гузал манзараларини севиши, уни рассомлик назари билан бекаму — куст идрок қила билиши манзара (пейзаж)ни юксак бадиийлик билан реалистик тасвир қила олганлигидан ҳам кўринади.

Фақиҳларнинг масжид қошидаги дарсхонада илм урганишини акс эттирувчи бошқа бир суратда рассом меъморчилик санъатининг нафис томонларини, деворнинг нақадар гузал безатилишини моҳирлик билан кўрсата олган. Масжид саҳни билан унинг ўртасини ажратиб турувчи баланд пештоқ ҳам ажиб нақшлар билан безатилган. Пештоқ атрофи узунчоқ, кошинлар ичида китобий нақшлар билан айлантириб безатилган. Бу китобат хатлари санъаткор имзоси билан тугайди: «Амали абди Беҳзод, фий санат самонаъа арбаа ватисьин 894». Бу санадан суратнинг қулёзма кучирилгандан бир йил кейин чекилганини биламиз. Хаттотлар ташлаб кетган очиқ саҳифаларига рассом кейин матлуб расмлар чизган.

Беҳзоднинг шоҳ асарлари қаторига яна Низомий «Хамса»сининг 1442 ва 1494 йиллари кучирилган ва ҳозир Британия музейида сақланаётган нусхаларидаги суратларини киритиш мумкин. Мазкур қулёзмалардаги Беҳзоднинг «Хусрав ва Ширин мулоқоти», «Баҳромгур ва Аждар», «Искандар ва етти қароқчи» расмлари айниқса, диққатга сазовордир. Бу расмлар асар ғоясини янада уткирлаштиришда Беҳзодга хос қашфиётлардан дарак беради.

Европалик санъатшунос олимлар Беҳзоднинг Шарафиддин Али Яздий (вафоти 1454) «Зафарнома»сига чизган суратларига юқори баҳо берадилар. Қулёзмани 1467 йили Шерали хаттот кучирган. Беҳзод ва шогирдлари Султон Ҳусайн Мирзо хазинаси учун ўн иккита ажойиб расм нақш этишган. Қулёзманинг 69 саҳифасида шоҳ Жаҳонгирнинг дастхати бор: «Бундаги саккиз сурат Беҳзод қули билан чизилган. Китоб менга бобом Ҳумоюндан қолган. Тахтга чиққан куним ёздим. Жаҳонгир ибн Акбар».

«Зафарнома»нинг бу нусхаси ҳозир Балтимор (АҚШ)даги Ҳопкин университети кутубхонасида сақланмоқда. Американлик олим Р. Этингаузен ўзининг «Ислом қомуси»га ёзган мақоласида барча суратлар Беҳзод муйқаламига мансублигини ва улар мусаввир ижодининг илк даврига оидлигини қайд этади. Инглиз санъатшуноси Томас Арнольд 1930 йили «Зафарнома»даги суратларни алоҳида китоб ҳолида нашр этади. Олим унда «Зафарнома»даги Беҳзод чизган суратларга хос хислатлар ҳақида гапириб, замин сатҳининг кўм-кўк бутазорлари билан зийнатланиши, манзаранинг жонли ва жозибали чиқиши ўзидан олдин утган ва унга замондош булган мусаввирларникидан афзалроқ эканини ёзади.

Беҳзод XVI аср бошларида яратган асарларини таҳлил қилар эканмиз, бу вақтда буюк мусаввирда руҳий маъюслик, чуқур ҳиссий кечинмалар, фалсафийлик устун булиб қолганини кўрамиз. Бу табиий ҳол эди, албатта. Темурийларнинг узаро жангу-жадаллари Хуросоннинг илгариги мавқеига салбий таъсир кўрсатади. Халқнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашади. Алишер Навоий вафотидан кейин Султон Ҳусайн мамлакат ободончилигига, маданият аҳлига эътибор қилмай қўяди.

Бу воқеалар меҳнат аҳли ва замон ҳодисалари билан ҳамнафас булган мусаввирнинг ижодига таъсир этмай қолмади. Унинг асарларида энди заъфарон ранг кўпаяди. Беҳзод ижодида илгари кузларни қувонтирувчи ям-яшил буталар, гул ва чечакларга бурканган манзаралар кўпроқ кузга ташланса, энди, сариқ ва қизғиш яшил, рангдаги ялпоқлари кўздан дарак берувчи дарахтлар кишилар чеҳрасидаги маъюслик тасвири устун булиб қолади. Бу ҳолни, масалан, Санкт-Петербургдаги Давлат халқ кутубхонаси фондида сақланаётган Хусрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» достонига чизилган миниатюраларда кузатиш мумкин. (Лайли ва Мажнун саҳрода»).

1507 йили Хуросон Шайбонийлар қулига утгач, Беҳзод ҳам Самарқандга кучади.

Кўпгина санъатшунос олимлар, 1510 йили Эрон шоҳи Исмоил Сафавий Ҳиротни Шайбонийлардан тортиб олгандан кейин Беҳзод ҳам Табризга олиб кетилди, деган фикрда эдилар. Озарбойжон олими К. Керимов ва инглиз олими Эрнст Грубеларнинг кейинги йиллардаги тадқиқотлари мазкур фикрга анча аниқлик киритди. Жумладан, Эрнст Грубе ўзининг «Ислом санъатида классик услуб» деган асарида Бухоро, Самарқанд ва Ҳирот тасвирий санъатининг XV ва XVI аср бошларидаги намуналарини илмий таҳлил этиб Беҳзод 1522 йилгача Самарқандда яшаб ижод этган, деган хулосага келди.

Беҳзоднинг Самарқандда эканлигида яратган асарларидан Шайбонийхон портрети, 1515—1520 йиллари Саъдий «Бустон»ига ишлаган суратлари бизгача етиб келган.

1522 йили Беҳзод шоҳ Исмоил Сафавий кутубхонасига китобдор этиб тайинланади. Табризда эканлигида Беҳзоднинг фақат шоир Абдулла Ҳотифий портретини сафавийлар кийимида чизгани маълум. У ерда рассом тинч яшай олмади.

1525 йили Беҳзод иккита туянинг олишувини акс эттирувчи сурат ва чиройли турунж (айлана мураккаб нақш) ичида баҳор манзараси фонида чол ва ёш йигит тасвирини чизади. Беҳзоднинг бу икки асари узининг чуқур ғиризми, теран фалсафий мазмуни, ниҳоятда аниқ ва моҳирона бажарилгани билан ажралиб туради.

Беҳзод ҳажвий асарлар, карикатуралар ҳам чизгани маълум. Бу хусусда Зайниддин Восифий «Бадое-ул вақое» асарида шундай хабар беради: «Султон Ҳусайн Мирзо бу ҳунарнинг устодларидан Беҳзод наққошни ихтиёр этиб, хизматида сақлаб эди. Ҳар вақт подшоҳ замирига кулфат ўлтирса, устод Беҳзод ажиб ва ғариб суратлар чекар эрдиким, они кўргач подшоҳнинг табъи синасидан қудурат ванги кўтарилар эрди...»

Беҳзод ҳаётлигида унинг асарларидан йирик тўплам тузилади. Тарихчи Ҳондамир унга муқаддима ёзади. Бу альбом ҳозир «Мураққаи гулшан» номи билан Истамбулдаги Гулистон саройи кутубхонасида сақланади. Муқаддиманинг матни эса тарихчининг «Номаи номий» асарида келтирилган.

Ҳозир санъатшунослар, Беҳзоднинг қулёзма, альбом ва бошқа тарздаги юзга яқин асарини аниқлашган. Улардан бир қисми мамлакатимизда ва чет элларда нашр қилиниб урганилмоқда.

Замондошларининг ёзишича, Беҳзод 942 (1536—37 милодий) йили Ҳиротда вафот этади.

Узбекистон халқ рассоми, давлат мукофотининг лауреати Чингиз Аҳмаров ва унинг шогирдлари Темур Саъдуллаев, Шомаҳмуд Муҳаммаджоновлар ижодида Беҳзоднинг баракали таъсирини кўрамиз. Улар асарларида миниатюра санъатининг услублари замонавий маъно касб этган.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

«ИСТИҚБОЛ»НИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

(Боши 1-бетда).

ликда 11-синф дастури ва дарслиги устида иш олиб борилмоқда. Уюшма томонидан 25 номда дарслик, дастур, ўқув-методик адабиётлар, қўлланмалар тайёрланди ва чоп этилди ҳамда 30 га яқин педагогик дастур воситалари яратилди ва республикамиз ўқув юртларига тарқатилди.

Шунингдек, анжуманда тафтиш комиссияси раиси Атҳамжон Далиевнинг уюшма молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Музокараларда РТИММ лаборатория мудири Б. Болтаев, «Учавтоматика» акционерлик жамияти бош директори В. Мусафиров, «Кибернетика» илмий тадқиқот институти бош директори Ҳ. Иноғомов, тўрақўрғонлик ижодкор ўқитувчи С. Тожибоев ва бошқалар информатика фани ўқитиш дастури, мавжуд компьютерларга кўрсатилаётган сервис хизмати, янги ўрнатилаётган компьютерларнинг имкониятлари, дарслик билан ишлаш, шунингдек, поғонали ўқитиш, муаллифлик курслари масалалари бўйича ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуман ишида Жанубий Қозоғистон вилояти таълим департаменти услубчиси Савлехоним Назарбекова, Туркистон тумани таълим бўлими услубиётчиси Баҳодир Иброҳимовлар қатнашишди. Улар бу ерда таълим соҳасида амалга оширилаётган ишлар қўламини юксак баҳолади. Уюшма фаолларини халқаро майдонга чиқиб келаётгани билан табриклади, дарслик муаммосини ҳал қилишда ҳамкорлик қилишга чақирди. «Истиқбол» уюшмаси информатика бўйича жанубий Қозоғистон вилоятидаги ўзбек мактабларига шартнома асосида дарслик ва қўлланмалар етказиб берадиган бўлди.

Меҳмонлар табригидан сўнг Узбекистон халқ таълими вазири Жура Йўлдошев уюшма фаолларининг бир гуруҳини «Ўқитувчи — ихтирочи», «Халқ таълими аълочиси» нишонлари билан тақдирлади.

Анжуман якунида «Истиқбол» уюшмаси бошқарув аъзолари, раиси, ижрочи директори, тафтиш комиссияси раиси, унинг аъзолари овоз бериш йўли билан қайта сайланди. Шунингдек, уюшма фаолларининг келажакдаги вазифалари белгилаб олинди. Қурултой ҳайъатига билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни чуқур ўрганиб чиқиш топширилди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,

Суратда: Қурултой қатнашчилари «Ўзбекучавтоматика» акционерлик жамияти маҳсулотлари, «Истиқбол» уюшмаси дастур ва қўлланмалари билан танишаётирлар.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Металл-Ватанга

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Узбекистон Халқ таълими вазирлиги қошидаги қора ва рангли металл парчалари тўплаш ва топшириш бўйича республика штабининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни штаб бошлиғи, халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов бошқариб борди.

Йиғилишда металл парчалари тўплаш ва топшириш бўйича режаларнинг бажарилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан республика штаби бошлиғининг ўринбосари Б. Ҳамидовнинг ахбороти тингланди ва муҳокама қилинди.

Бир қатор таълим муассасалари бу умумдавлат аҳамиятига молик ишни уюшқоқлик билан ташкил этаётганликлари, режа топшириқларини ошириб бажараётганликлари қайд этилди. Буни Халқ таълими вазирлигига, хусусан, республика штабига келаётган телеграммалар, хушхабарлар кўрсатиб турибди. Жумладан, Беруний номидаги педагогика билим юрти 35.300 кг қора металл, 150 кг рангли металл топшириб, 1996 йил режасини уддалаганлиги ҳақида хушхабар йўллади. Бундай қувончли хушхабарлар, ўнлаб таълим муассасаларидан келиб турибди. Уларда металл тўплаш ва топшириш ишлари давом этмоқда. Шу билан бирга айрим таълим муассасаларида бу муҳим масалага сусткашлик билан қаралаётганлиги, таҳлил қилинди ва навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Улуғбек АКТАМОВ.

Мактабим — фахрим

ЙИЛЛАР ЎТАР, ЭЗГУЛИК ҚОЛАР...

Йиллар... шошқин шамолдек елиб ўтиб,бугунлар, эртага ширин хотирага айланади. Инсон бу хотираларни қўмсаб, энтикиб яшайди. 80 йиллик тарихга эга бўлган пойтахтимиздаги Лаъл Баҳодир Шастри номли 24-ўрта мактаб кучоғидан қанча-қанча палапонлар улгайиб парвоз қилмади дейсиз. Яқинда ўзига хос тарих китобини яратган мазкур мактабда қувончли яна бир воқеа бўлди.

Билим маскани дарвозасидан кириб келаётганларнинг чеҳрасида табассум. Уларнинг қадрдон мактабларига тўйиб-тўйиб боқишлари, устоз ва шогирдларнинг кучоқ очиб кўришишлари йиллар яратган тарихни жонлантиргандай бўлди. Бундан 40 йил муқаддам катта ҳаётга учирма қилинган йигитлар яна қадрдон мактабларида дийдор кўришдилар. Муҳташам зал собиқ ўқувчилар ва меҳрибон ўқитувчилар билан тўлди.

Учрашув кечасини мактаб директори Ж. Низомов кириш сўзи билан очди.

— Қадрли меҳмонлар, ушбу дақиқаларни умримизнинг оний лаҳзалари десак, хато бўлмайди. Чунки бундан 40 йил бурун мактабимиз остонасига илк бор қадам қўйган ўқувчиларимиз бугунги куннинг олими, инженери, ёзувчи-ю, педагоги каби турли касб эгалари ўз устозлари билан давра қуриб ўтиришибди. Учрашувда иштирок этаётган 50 дан ортиқ шогирдларимизнинг 6 нафари фан доктори, 20 га яқини эса фан номзодидир. Ўқувчиларимизнинг бу ютуқлари, шубҳасиз, жонкуяр ўқитувчиларимизнинг заҳмати маҳсулидир.

Мактаб раҳбарининг ушбу сўзларини тинглар эканман, ўзимнинг мана шу мактабда ўтган ярим асрлик умрим довонига бир назар ташлагим келди.

Ҳа, ўшанда оғир кунлар эди. 1941 йилнинг қаҳратон қиши. Ўқитувчи танқислиги сабабли мени урушга юборишмади. Негаким, пойтахтнинг ўқчи кучасидаги 1-педагогика билим юртини тугатган эдим-да. Ўқитувилик қилиш учун 24-эрлар мактабига бордим. Мени мактаб директори Маҳамат ака Шодмонов кутиб олди. Дарҳақиқат, 1942 йилнинг 1 январидан ишни бошлаб юбордим. Ва уша йили Урта Осиё давлат университетининг талабаси бўлиш шарафи ҳам насиб этди. Шундай қилиб, оғир кунлар бўлишига қарамай 1946 йил университетнинг филология факультетини тамомладим. Курсдошларим — ёзувчи марҳум Сарвар Азимов, тилшунос олим Ёқубжон Ғуломов, фалсафа фанлари номзоди Машраб Тожихўжаев, Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Убай Бурхон ва бошқалар уша пайтда узлари танлаган касблари бўйича ишга кириб кетдилар. Мен эса яна эски қадрдон гўшага қайтиб келдим. Мана, муаллимлик машаққатлари, қувончлари-ю, ташвишларига бой қанча-қанча йиллар ортда қолди. Биз эса, яъни мен, умрнинг 75-баҳорига алвидо деб қўйибмиз. Лекин шуни айтишим керакки, ўтган умрим беҳуда кеттани йўқ. Буни шогирдларим камолини кўрганимда янада чуқурроқ ҳис этаман...

Ҳа, йиллар ўтаверади, баҳорлар келаверади, лекин элга қилган хизмат, эл наздида узоқ йиллар қолажак. Собиқ ўқувчилар — қадрдонлар учрашув кечаси сўнгида ана шундай илиқ туйғулар юрагимга нур сочди.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Суратда: шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муяссар Каримова ғалдаги дарсни ўтаяпти. Р. Альбеков олган сурат.

Бир соатлик дарс

ХОРАЗМИЙ, ИБН СИНО... МАТЕМАТИКАСИ

Узбекистон жаҳонга юз бурган даврда аждодларимиз бўлмиш Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Ал-Беруний, Форобий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби алломалар қолдирган туганмас меросларни ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб бориш, дарс самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларидан бири, деб биламан.

Таълим жараёнида бу ишларни амалга оширишда дарсликларимиз эскириб қолганлигини эътиборга олиб, янги дарсликлар чиққунча, мумкин бўлган ҳар бир дарсни тарихимизга ва ҳозирги кунга боғлаб ўтмоғимиз керак.

Масалан, 5-синф математика дарслигидаги «Натурал сонлар» номли мавзуни ўтишда ўқувчиларга Ал-Хоразмий ва унинг «Ҳинд ҳисоби ҳақидаги китоб»и ҳақида гапирмасдан ўтишнинг ҳеч иложи йўқ. Машҳур олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий асли хоразмлик бўлиб, 783—850 йилларда яшаб ўтган.

Ал-Хоразмий ёшлигиданоқ ўткир зеҳнли ва меҳнатсевар бўлган. У ўқиш, ёзишни тез ўрганади ва кейинчалик ўз устида мустақил ишлаб, фан асосларини эгаллашга қаттиқ интилади. Айниқса, у математикани зўр қизиқиш билан ўрганади. Хоразмий табиат қонунларини ўрганишга, кузатишлар олиб боришга, чет тилларини ўрганишга қизиқади. У ўз она тилидан ташқари форс, араб, (қадимий ҳинд тили), юнон тилларини ўрганади. IX асрнинг бошларида Маъмун ҳукмдорлиги замонида, Бағдодда ташкил этилган «Байтул- ҳикмат»да кўп олимлар илмий ишлар билан шуғулланар эдилар.

Етук олим бўлиб танилган Хоразмий ҳам ўз билимини оширишда ва фан билан шуғулланиш мақсадида Бағдодга келади. Хоразмий бу ерда бошқа олимлар билан биргаликда турли фанлар соҳасида илмий ишлар олиб боради, астрономик кузатишлар утказиш билан шуғулланади. Кейинчалик олим бу илмий муассаса қошида ташкил этилган астрономик расадхонага ва жуда катта кутубхонага раҳбарлик қилади.

Хоразмий бу кутубхонадаги китобларни, айниқса, ҳинд ва юнон олимларининг асарларини қунт билан ўрганади. Бағдодда Хоразмий ўз истеъдоди ва меҳнатсеварлиги туфайли чуқур билимларга эга бўлган олим бўлиб етишади. Хоразмий математика, астрономия, география ва тарих фанлари соҳасида асарлар ёзади ва тез орада машҳур олим сифатида шарқ мамлакатларига танилади. Хоразмийнинг биринчи машҳур асари «Ал-жабр вал-муқобала» бўлса, иккинчиси «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб» номли рисоласидир.

Математика тарихидан маълумки, узоқ қадимий даврлардан бошлаб, турлича тартиблаш усуллари мавжуд бўлган. Шуларга кўра саноқ системалари ҳам турлича бўлган. Масалан: сонларни турли белгилар билан ифодалаш (ҳар бир сон учун символ — пероглиф) орқали тузилган позицион бўлмаган саноқ системалари қўпроқ алфавит тартиби асосида бўлган (сонлар ҳарфлар орқали белгиланади). Асрлар давомида бу саноқ системалари ва тартиб рақамлар қўлланиб келинган.

Европада эса рим рақамлари ишлатиларди, лекин бу рақамлар ўзининг мураккаблиги билан ноқулай эди. Шарқда эса рақамларни сўзлар ёки ҳарфлар билан ифодалар эдилар.

Биз Хоразмийнинг бу китоби орқали 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 ва 0 рақамлар тахминан V асрда Ҳиндистонда пайдо бўлганлигини биламиз. Хоразмий аввал сонларнинг ўнлик позицион системасини тушунтиради, сўнгра бутун сонлар ва каср сонлар устида амаллар бажариш қоидаларини ва ниҳоят, квадрат илдиз чиқариш қоидаларини баён этади.

Хоразмийнинг «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб» асари фан тарихида жуда катта ўрин тутади. Бу асар орқали барча шарқ мамлакатларининг халқлари, кейинчалик бу асар лотин тилига таржима этилганлиги туфайли Европа халқлари ҳам ҳозирги ўнлик позицион саноқ системаси билан танишдилар.

Бутун дунёга машҳур бухоролик Абу Али ибн Синони кўпчилик фақат тиббиёт соҳасидаги олим деб билишади. Унинг «Аш-шифо» ва «Донишнома» асарларида физика ва математика фанларига бағишланган махсус бўлимлар бор. Бу бўлимларда физика, геометрия, астрономия, арифметика ва музика назариясига доир масалалар баён этилган. 6-синф ва 7-синфда даражага доир мавзуларни ўтишда, ибн Синонинг қуйидаги фикрларини айтиб ўтиш жоиздир: «Соннинг кубидан шу сон айрилса, 6 га каррали бўлган сон ҳосил бўлади. Умумий ҳолда $n^3 - n$» шаклидаги сон 6 га бўлинади. Масалан: n=3 бўлса, $3^3 - 3 = 24 = 4 \times 6$;

n = 4 бўлса, $4^3 - 4 = 64 - 4 = 60 = 10 \times 6$;

n = 8 бўлса, $8^3 - 8 = 512 - 8 = 504 = 84 \times 6$;

n = 12 бўлса, $12^3 - 12 = 1728 - 12 = 1716 = 286 \times 6$.

Юқоридагига ўхшаган мисолларни жуда кўплаб келтирса бўлади. Бу билан биз ёшларни аждодларимиз мероси билан таништирибгина қолмасдан, уларни ўз миллатига, ватанига муҳаббат руҳида тарбиялаб, келажакда билимли, зукко ва ўз ишининг устаси бўлишга даъват этамиз.

Азиза РАШИДОВА,
Навоий вилояти Учқудуқ шаҳридаги 1-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси.

БОБОЛАР ҚАДРЛАГАН ФАН

(Боши 1-бетда).

нима билан изоҳлаш мумкин? Ахир, олий таълим дарғоҳига билими чуқур, дунёқараши кенг бўлган абитуриентларни қабул қилиш асосий мақсад эмасми?

Юртбошимиз ана шу ҳаётий масалага бир неча бор такрор ва такрор мурожаат қилаётганлари бежиз эмас: «Ватан тарихи ва маданиятини, жуғрофиясини ва иқтисодини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Боғчалардан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимларида мазкур фан ва билимларни ўқитишга муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоғи лозим. Бу эса, ўз навбатида, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини миллий маънавият нуқтаи назаридан янгидан қараб чиқишни тақозо этади». Шундай экан, географияни қабул имтиҳонлари қаторида ўзининг илгариги мавқеини тиклаш нафақат ушбу фаннинг, оқибат натижада халқ таълими ва олий таълим тизимларининг обрўсини ўз ўрнига қўйиш билан баробар бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда республика олий таълим ва халқ таълими тизими олдида ечимини кутиб турган қатор долзарб муаммолар мавжуд. Улардан энг муҳими — бу давр талабига тўла жавоб берувчи дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, географик хариталар ва бошқа ўқув воситаларини яратиш ҳисобланади. Республика мактабларининг русийзабон синфларида географиядан аксарияти 90-йиллардан кейинги даврда Россияда нашр этилган дарсликлардан фойдаланилса, ўзбек забон синфларидан улардан икки ва ундан кўпроқ йил илгари чоп эттирилган ҳамда таржима қилинган дарсликлар асосида дарс ўтилиши сўзимизнинг далилидир. Географик атласлар ва хариталарни нашр қилиш учун эса ундан ҳам мураккаб ва машаққатли босқичлардан ўтиш зарур. Қатор олимлар ва ўқитувчилар ўзлари тайёрлаган дарсликларни, ўқув қўлланмаларни нашр эттира олмай, сарсон бўлишмоқда. Узбекистон Республикаси географик атласи 1980 йилда нашр эттирилган эди. Бугун, яъни ўн олти йилдан кейин ушбу атласнинг янги узбекчага ағдарилган нусхаси тайёрланиш арафасида турибди. Мамлакатимиздаги кўпчилик мактаб биноларининг, география хоналари яхши жиҳозланмаган. Аксарияти техника ўқув воситалари билан таъминланмаган мавжудлари ҳам эскириб қолган.

Муаммоларнинг аксарияти нашр, ўқув воситаларини харид қилиш учун молия ресурсларининг етарли миқдорда ажратилмаганлиги ёки ёзилган дарсликларга ниҳоятда кам ҳақ тўланиши, ташкилий ишларнинг ҳанузгача мураккаблиги билан боғлиқ. Ўқув ва услубий қўлланмалар, дарсликлар тайёрлаш ва уларни нашр эттириш борасидаги ташкилий-молиявий ишларни ҳал этишда республика таълим илмий методика маркази, унинг раҳбарлари кейинги вақтда қатор тадбирларни амалга оширди ва бу йўналишда яна ҳам катта ишларни амалга оширишни режалаштириб турибди. Ушбу долзарб масалаларни ҳал қилиш кўп жиҳатдан молиявий ёрдамга боғлиқ бўлиб қолган.

Бозор муносабатлари шаклланётган шароитда Узбекистон иҳтимоий географларнинг асосий илмий изланишлари иқтисодиёт таркибини замон талабларини ҳисобга олган ҳолда қайта қуришга ва республика халқ хўжалигини ҳудудий-ташкилий қилинганлигига, мамлакатимизни жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашишига, халқаро географик меҳнат тақсимотида иштирок этишига, республика аҳолисининг иҳтимоий географик ривожланишига хос масалаларни ҳал этишга йўналтирилган. Шу ва шуларга ўхшаш бошқа масалалар билан шуғулланувчи республика доирасида ягона марказ — география институти ташкил қилинса, география фанини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан илгариги мавқеи тикланибгина қолмасдан, балки уни яна ҳам юқори поғонага кўтариш имконияти яратилган бўлур эди. Қисқаси боболар қадрлаган фан бугун қадрини яна тиклаши керак.

А. ҚАЮМОВ,
РТИММ маркази қошидаги география фани бўйича илмий-методик кенгаш раиси, география фанлари доктори, профессор.

Назм гулшани

Туроб НИЁЗ

БИБИ-ХОНИМ

1948 йили Самарқанд Тарих музейи директори Мамат Юсупов Тошкентдаги амалий санъат музейида сақланаётган буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли хотини Бибихоним ётган тобутни ўз жойига элтиш учун шаҳар кўчалари бўйлаб аэропортгача олиб борган.

Йўлдан қочинг одамлар,
Бибихоним келмоқда.
Гуллар сочинг одамлар,
Бибихоним келмоқда.

Айтишга йўқ имконим,
Қуйдирар бўғзим шу сўз —
Тобутда Бибихоним
Ҳайқиради фақат кўз.

О, билсангиз, билмайман!
Қандай ҳолга тушасиз.
Мен-чи ичдан йиғлайман —
Бибихоним гўшасиз.

Гўшасига элтинг деб тез —
Ёнмоқда юрак-бағрим.
Англамаслар мени бу кез,
Бир бўлади ўн дардим.

Йўлдан қочинг одамлар,
Бибихоним келмоқда.
Гуллар сочинг одамлар,
Бибихоним келмоқда...

* * *

Аввало ҳар инсоннинг юраги тоза бўлсин,
Сўзида маъно-мазмун, туз бўлсин, маза бўлсин.
Яхшилик эзгу бўлса етсин ўй-тилагига,
Агарда шум ниятдир, истаги қазо бўлсин.
Тўғри сўзни ҳақ деган кўкарсин, униб ўссин,
Ёлғонга йўлдош кимки, элда фош, сазо бўлсин.
Тор юракка бегона улуғворлик, буюклик,
Шул сабабдан инсоннинг бағри кенг, фазо бўлсин.
Дунёда энг олийдир одамийлик фирқаси,
Ҳар ким уни танисин, бир умр аъзо бўлсин.
Туроб, яхши тилаклар тила динг муродга ет,
Тилаб амал қилмасанг, Тангридан жазо бўлсин.

* * *

Ёмғирнинг кўзлари бор,
Ерни топар адашмай.
Ёмғирнинг сўзлари бор,
Замин билан гаплашгай.
Ёмғирнинг йўллари бор,
Кўкдан тортиб ер қадар.
Ёмғирнинг қўллари бор,
Гул — болани эркалар.

Ёмғирнинг ўз қуйи бор,
Тингласам дил яшнайди.
Ёмғирнинг хуш бўйи бор.
Нон исига ўхшайди...

БАҲОР КЕЛДИ...

Ёруғ кунлар узун энди,
Йигитлар ҳам Мажнун энди,
Лайли қизлар мамнун энди,
Баҳор келди, баҳор келди.

Қалдирғочлар келар энди,
Майин еллар елар энди,
Ёғилади нурлар энди,
Баҳор келди, баҳор келди.

Ором билмас деҳқон энди,
Ҳаловатлар армон энди,
Ахир келди имкон энди,
Баҳор келди, баҳор келди.

Юпун боғлар гулга кирди,
Кўк гумбурлаб тилга кирди,
Кўклам завқи дилга кирди —
Баҳор келди, баҳор келди.

ОНА АЛЛАСИ

Бахтимга омон бўл, ўсиб катта бўл,
Кундай ёруғ бўлсин умринг — узун йўл,
Босган қадамингдан униб чиқсин гул —
Ухла болам, ухла жоним, аллаё.
Онангнинг орзуси сенда жамулжам,
Элнинг умиди ҳам сенда жон болам,
Сенга кўзин тиккан жумлаи олам,
Ухла болам, ухла жоним, аллаё.
Алпомиш, Темурлар руҳи қўлласин,
Улуғ, эзгу ишлар сари йўлласин,
Умринг шодон ўтсин, қайғу бўлмасин —
Ухла болам, ухла жоним, аллаё.

МАЙСА

Баҳор келганини қаердан билди,
Ер остида ётган бу митти майса?
Заминнинг чўнг бағрин қандайин тилди,
Учиб кетади-ку шамол пуф деса?
Баҳорга ошиқлик, яшашга зорлик,
Унга куч бергандир, ишонч бахш этган.
Ернинг ости — қафас, қилсада зўрлик,
Буюк шиддат билан қутилиб кетган.

Франимиз фидойилари

ОР ТАЛАШГАН ОЛИМ

Тириклик дунёсидаги ҳар қандай муаммони инсон маърифат кучи билан ечади, ҳал этади. Маърифатнинг ўзагини билимлар ташкил этади. Билимларни ривожлантирувчи куч эса фандир. Фаннинг тараққиёти ҳамиша фан фидойиларининг зиммасига тушади. Ана шундай фан фидойиларидан бири Омонулла Файзуллаевдир. Унинг илмдаги фаолияти бошланганлигига ярим асрдан кўпроқ вақт ўтибди. Олимнинг илк мақоласи у ҳали талабалигидаёқ босилиб чиққан эди. 1939 йилнинг 4 апрелида Мирзо Улуғбекнинг 545 йиллигига бағишлаб ёзган мақоласи чоп этилганда у физика-математика факультетининг (САГУ) иккинчи курсида ўқирди. Бу мақолада бўлажак олим жаҳон астрономия фанининг фахри бўлган буюк ўзбек алломасининг илмий салоҳияти ҳақида фахрланиб ҳикоя қилган эди. Мақола ватандошларимиз қалбида аждодларимиздан ғурурланиш ҳиссини уйғотганди. Ўша мақолага буюртма берган газета муҳаррири Сулаймон Азимов бир даврада: «Мақоладаги ватанпарварлик руҳияти менга ҳайфсан олиб келган эди», — деб хотирлаганди. Сулаймон Азимовнинг хотирлашича, мақола «Улуғ ўзбек астрономи» деб номланган экан. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 4 апрель сонидаги ўша сарлавҳага кўзи тушган бир мансабдор С. Азимовни чақиртириб сўроққа тутган, ниҳоят бу можаро бош муҳаррирнинг ҳайфсан олиши билан якунланган. 70-йиллар эди. Ғарбда кибернетика фани қад ростлаб, унинг имкониятлари жаҳон миқёсида тан олинган бир пайтда бу фаннинг асосида ётувчи алгоритмлар назарияси устида баҳс кучайди. Бу баҳсда айрим фан тарихчилари «алгоритм» атамаси «алгорифм»дан келиб чиққан дейишса, бошқалари унинг Ал-Хоразмий номига ҳамоҳанг эканлигини, айримлар эса, бу ўхшашликнинг тасодифий эканлигини қайд этишарди. Шундай бир қизган мунозаралар пайтида яна ўша олим баҳс майдонига чиқди. У Москвада, Токиода, Карачида бўлиб ўтган халқаро симпозиумларда сўзга чиқиб, «алгоритм» атамасининг Ал-Хоразмий номининг лотинчага таржима этилиши ва лотинча «Алгоризм» сўзининг инглизчага ўгирилганда «алгоритм»га айланганлигини мантиқан илмий асослаб берди ва алгоритмик методдан биринчи бор Ал-Хоразмийнинг ўзи «Ал жабр вал-муқобала» ҳамда «Ал-Хоразмий ҳинд ҳисоби ҳақида» деган асарларида бевосита қуллаганлигини илмий далиллар билан исботлаб берди.

70-йиллари яна бир масала ўртага ташланди. БМТ ҳузуридаги ЮНЕСКО ташкилоти бирин-кетин ибн Сино, Беруний ва Форобий сингари мутафаккирларнинг юбилейларини ўтказиш ҳақида қарорлар чиқарди, маблағлар ажратди. Шу муносабат билан бир қанча мақолалар, монографиялар чоп этилди. Хуллас, олимларнинг кенг жамоатчилиги Марказий Осиёда ўтган мутафаккирларнинг ижодига қизиқа бошлашди. Халқимиз ҳам ўз аждодларининг буюклигидан фахрланиб, қаддини тиклай бошлашди. Бу, албатта, империя марказида турганларга ёқмади ва «Ўтмишни идеаллаштиришга қарши» махсус қарор чиқаришди. Бу қарор барча партия ташкилотларида кенг муҳокама қилинди, жумладан, Фанлар академиясида ҳам. Илмий кенгаш йиғилишида ҳамма қарорни «маъқуллаб» турган бир пайтда яна ўша олим журъат билан ўртага чиқди ва шундай деди: «Жаҳон фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган мутафаккирлар қадрланиши, эъзозланиши ва хотирга олиниши табиий ҳолдир. Шундай экан, Форобий, Беруний, Ибн Синолар ҳақидаги ёзилган мақолалар муболаға эмас, қолаверса, уларнинг юбилейлари жаҳон миқёсида ЮНЕСКО томонидан нишонланди ҳамда бу мутафаккирларнинг илмий меросига халқаро миқёсда холисона баҳо берилди. Аслида уларнинг юбилейлари улар туғилиб усган Ватанда, уларнинг ватандошларининг ташаббуслари билан ўтказилиши лозим эди. Яқинда Ал-Хоразмий туғилганига 1200 йил тўлади. Уни нишонлашга ҳам ЮНЕСКО қарор қабул қилган. Биз бу юбилейни ҳам олимнинг илмий даҳосига муносиб равишда юксак даражада ўтказишимиз лозим. Ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ — идеаллаштириш ҳисобланмайди». Залда сув қўйгандек жимлик бошланди. Лекин, барча кенгаш аъзолари қалбан олимнинг фидойилигига ва журъатига тан берган эдилар.

Бу олим республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор Омонулла Файзуллаевдир. У бир неча ўнлаб салмоқли илмий монографияларнинг, 300 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолаларнинг муаллифи, ундан зиёд фан докторлари, йигирмага яқин фан номзодларини етиштириб чиқарган устоз — мураббий, бир қанча халқаро ва миллатқавий илмий анжуманларнинг ташкилотчисидир.

У республикамизда табиётшуносликнинг фалсафий масалалари, ҳамда фан-техника фалсафаси ва тарихи соҳасида йирик илмий мактаб ташкил қилган устоздир. Олимнинг шогирдлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Термиз, Нукус ва бошқа шаҳарларда обрў ва эътиборга сазовор тадқиқотчилар сифатида иш олиб боришмоқда.

Олимнинг фан фидойиси бўлишида унинг устозлари академик И. М. Муминов, Т. Н. Қори-Ниёзий, М. Т. Ўрозбоев, Т. А. Саримсоқов, С. Ҳ. Сирожиддинов, В. И. Романовский, Н. Н. Назаров, Р. Х. Маллин, Х. Раҳматулин сингари олимларнинг ҳиссаси катта бўлган. Омонулло Файзуллаев уларнинг сабоқларини доимо эъзозлаб хотирида сақлаган ҳолда улар ўгитини шогирдларига ўргатишга интилади.

Олимнинг ижоди ва ҳаёт йўли, айниқса, бугунги мустақил тараққиёт йўлимизда, миллий мустақиллик мафкурасини ривожлантиришимизда муҳим ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки Омонулла Файзуллаевнинг бутун умри Ватан фани шаънини ҳимоя этишга бағишлангандир.

Бахтиёр ТЎРАЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлим мудири.

Хулдас...

АЛЛОҲНИНГ ИРОДАСИ

Тоғда яшаб, сут-қатиқ ичиб юрганлар узоқ умр кўришади, дейдилар. Бироқ, украиналик Александра буви бу ақидани чилпарчин қилиб юборди. Чунки у шаҳарнинг қоқ ўртасида яшаб, турлик-турлик кимёкату газлардан нафас олиб-олиб, 104 ёшни уриб қўйди. Муҳиту табиат чи кора. Ҳаммаси Худонинг иродаси.

САЙЛОВГА ПАРОДИЯ

Биринчи апрель куни екатеринбурглик журналистлар антиқа иш қилишди. Россия Федерацияси президентлигига Билл Клинтон номзоди учун имзо йиғишди. «Клинтон — давримизнинг ақли, идроки, виждони» дея ёзилган плакатлар кўтариб олган гуруҳ олдига икки соатда 200 дан ошиқ киши келиб, ризолик «қўлини қўйиб» кетишди. Журналистлар шу йўсинда бугунги сайловлар устидан хўп кулишди. Хаҳ, соддадил ўрислар-а.

МАСЛАҲАТЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Агар у оқилона бўлса. Кўчканор шаҳридаги оилалардан бирининг ўн бир ойлик фарзанди қаттиқ оғриб қолди. Иссиғи кўтарилиб кетди. Қўшнилар ароқ билан клизма қилишни маслаҳат беришди. Ва... Болани дўхтирлар ўлимдан зўрға асраб қолишди.

КАШАНДА ГУЛ

Фарангистонлик Аирига дўстлари антиқа гул совға қилишди. Бу гулни суғориш ҳам керакмас, парвариш ҳам талаб этмайди. Фақат тамаки тутуни пуркаб турсангиз бўлди. Акс ҳолда, қуриб қолади. Яна қимматли томони шундаки, бу гул йод бўғини ажратиб чиқарадики, қалқонсимон безларга кони фойда ҳисобланади.

ана шунақа гаплар.

Таъкид

БИР АНЖУМАН ТААССУРОТЛАРИ...

Ҳар бир давр кишилар елкасига муайян бир масъулият юклайди. Мана шу масъулиятнинг нечоғлигини ҳис қила билишлик ўша давр фуқаросининг бурчидир.

Дарҳақиқат, бизнинг ҳам ҳар бир янги кун ўзини истиқлол фарзандиман деб ҳисобловчи ҳар бир киши олдига долзарб талаблар қўймоқда. Аввало бугунги кун ҳавосидан нафас олаётган шахс Ватан тушунчасини англай билиши, мустақилликнинг нақадар улуғвор эканлигини тўғри илғай олиши керак.

Қадимги юнон файласуфи Августин «Мабодо ғафлатда ётган халқни уйғотмоқчи бўлсанг, аввало унинг тарихини уйғотгин», деган экан. Бугун серқуёш ўлкамизла баҳор байрамлари билан бир қаторда бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тантанали тўйи кенг нишонланаётганлигига барчамиз гувоҳмиз. Албатта, бу тарихга нисбатан бугунги куннинг яна бир эҳтироми. Лекин бу хил маънодаги ўтказилаётган тадбирларга айрим олий ўқув юрти талабаларининг, хусусан, бугунги ёшларнинг муносабати кишини баъзан ажаблантиради.

Яқинда «Темурнинг тарихда тутган ўрни» мавзуига бағишланган илмий анжуманда қатнашиш учун пойтахтимиздаги машҳур олий ўқув юртларининг бирига бордим. Бордиму, ҳайрон қолдим. Чунки анжуман бошланишига саноқли дақиқалар қолган бўлсада, нечундир талабалар бепарво. Кимлардир уйига, кималардир ётоқхонаси томон хиргойи қилиб кетишяпти. Жонқуяр бир ўқитувчи талабаларни залга киришга даъват қилар, улар эса муҳим иши борлигини айтиб, юмшоққина узр сўраб, жуфтакни ростлашарди.

Дарҳақиқат, йиғилиш бошланди. Кичкина бўлса-да, зал тўлмади. Менимча кўпчиликнинг «муҳим иши» чиқиб қолган бўлса керак. Камина ҳам орқа ўриндиқларнинг бирини банд қилиб, залнинг «обҳаво»сини кузата бошладим. Йиғилиш бобомизнинг руҳига бағишланган Қурён тиловати билан бошланди. Сўнгра бир неча киши сўзга чиқди. Тўғриси, уларнинг алоҳида номларини ёзиб олиш мен учун мушкул бўлди. Чунки орқа ўриндиқларда «тарих ҳақида»ги баҳслар қизиб кетган эди.

Хуллас, мен ушбу йиғилишдан аччиқ-аччиқ саволлар етовида чиқдим. Менга алам қилгани, Ватан, келажак, ўтмиш ҳақидаги ўқитувилар қилган маърузаларни яна ўқитувчиларнинг ўзлари тинглашди. Нега талабалар эмас? Ахир тарихимизни, боболаримизнинг шонли ишларини кўпроқ ёшлар билиши зарур-ку. Бу уларда ғурур, ифтихор туйғуларини жўштириш керак-ку!

Ахир Амир Темурни жаҳон билади. Бир вақтлар фаранг халқи Амир Темурга олтиндан ҳайкал ясаб, тагига «Овропа халқлари халаскори» деб ёзиб қўйган экан. Ахир нега қайсидир бир халқ ўзининг ҳаласкори деб тан олган зотнинг ҳақиқий ворислари унинг ҳаёти солномасини тўлақонли билмайди. Ёки эшитишни хоҳламайди. Бугунги Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик ворисларидаги ғурур, миллий руҳ қани?!

Дарҳақиқат, бугунги ҳар бир фуқаро шу элнинг фарзанди эканлигини ўз шахсиятида, қолаверса ижодкор қаламида, деҳқон кетмонида ифодалаб бериши керак. Бу хил масъулиятга лоқайдлик шахснинг жамиятга нисбатан ҳурматсизлиги, деб ҳукм чиқариш адолатга хилоф бўлмаса керак.

Алишер НАЗАРОВ,
«Маърифат мухбири.

Бундай қарасангиз, дунёнинг ўзи ҳам бир китоб. Турли саҳифалар, турфа сўзу жумлалардан иборат. Уни ўқимоққа бўлган илк ҳаракат мактаб остонасидан бошланади...

Тошкентдаги 288-ўрта мактабнинг 1-синф ўқувчилари ҳам ўша маҳобатли китобнинг ҳарфларини топишди. Энди уни ўқимоққа жазм этишмоқчи.

Равил Альбеков олиб қайтган суратлардаги ўқувчиларнинг Гулруҳ Неъматуллаева, Васила Аҳмедова каби моҳир ўқитувчилари даврасидаги нурли қиёфасига эътибор беринг. Бу — дунёнинг жилваси бўлса, ажаб эмас.

Соғлом авлод учун

ЁШ КЎНГИЛНИ ЯШАРТИРГАН ШОДИЁНА

Ширин-шакар болажонларнинг завқи ўзгача. Уларга оналари энг чиройли, оҳорли либосларини кийдиришган. Байрам! Бу сафар у кунниг тунга нисбатан узайишини, яъни баҳорнинг она заминга ташрифига боғишланди. Миллий ўйинлар, урф-одатлар томошаси — эркин кураш, топишмоқ, айтишувлар ҳавола этиш, келин салом, жозибадор рақслар, отнинг давра бўйлаб айланиши ёки Насриддин Афандининг ичакузди латифалари — ҳамма-ҳаммаси кичкинтойларни ҳайратга солди. Олқишлаб чалинган чапаклар, қийқирувлар ана шунинг исботи бўлди.

Ширинзабон ва куюнчак боғча мудираси Дилбар Ғуломованинг қутлов сўзи нафақат кийкинтойларга, балки оналарга, тарбиячиларга, шунингдек, меҳмонларга ҳам хуш кайфият улашди. Жаҳон тиллари университети педагогика ва психология кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори Сония Файзуллинанинг чин юрақдан жўшиб сўзлаши яна мусиқий дақиқага уланиб кетди. Баҳор таронаси, баҳор еллари, баҳорнинг нилий гумбази — бу манзаралар бир-бирини тўлдириб, жилолантириб турганга ўхшайверди. Давра кенгроқ олинди, эҳ-ҳе кичкинтойларнинг бари рақсга тушишга беҳад уч эканлар-ку. Қимтингани қайси-ю ер тепгани қайси, кифтини учиргани қайси-ю, гир айлангани қайси...

Ана шунақа. Фарзандларимиз байрамга нақадар ташналар. Куй-қўшиқ, шеър, мусиқа уларнинг жони-дили. Бор-йўғи бир соат давом этган миллий руҳдаги шодиёналар болажонларнинг хотирасида бир умрга сақланса, ажаб эмас.

Хўш, бу чиройли тадбир қайси боғчада бўлди дерсиз? Тошкент шаҳар Чилонзор туманига қарашли 586-болалар боғчасида. Бундай тадбирлар бу ерда илк маротаба эмас, кўп бор ўтказилмоқда. Зеро, эзгу ишнинг илдиз отишига гап йўқ! Ахир болалар учун қилинаётган жамийки яхши ишлар давлатимизнинг соғлом авлод учун дастурига хос ва мосдир.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА.

МУСИҚА ТАНЛОВИ

Глиер номидаги республика ўрта махсус болалар мусиқа мактаб-интернатида Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан ташкил қилинган ўзбек халқ чолғу асбобларини чалиш бўйича республика танлови бўлиб ўтди. Унда барча вилоятларнинг болалар мусиқа ва санъат мактабларидан келган ўқувчилар, ўқитувчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Маданият ишлари вазири ўринбосари Р. Юнусов, Фан, ўқув юртлар, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бошқармаси бошлиғи Ж. Расултоев, А. Омонов, Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази раиси муовини Ш. Ёрматов, «Раъно» кичик корхонасининг директори С. Шамсиддинов, Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот республика маркази директори ўринбосари Ш. Субҳонов иштирокчиларни қизғин қутлади. Кўрик-танлов голиблари Маданият ишлари вазирлигининг ҳамда ҳомий ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари, пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалари ва дипломлари билан тақдирланди.

Гулнора ҚУРБОНОВА.

ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ

Спорт

Узбекистон Республикаси «Меҳнат резервлари» кунгилли спорт жамияти Марказий кенгаши умумий таълим мактаблари ва ҳунар билим юртлари, бир қатор техникум ва интернат ўқувчиларини ўз ичига олган. Биз Марказий кенгаш ўқув спорт бўлими бошлиғи, республикада хизмат кўрсаттан жисмоний тарбия ва спорт ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан тренер Б. М. Малейковскийдан кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгашининг республика Халқ таълими вазирлиги билан ҳамжиҳатликда амалга ошираётган ишлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Ҳозирги кунда жамиятимиз сафларида спортнинг 36 тури бўйича 550 минг спортчи ўқув-машқ жараёнига жалб этилган.

Марказий кенгаш ҳар йили Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда жисмоний тарбия жамоалари турли тадбирлардан тортиб республика халқаро миқёсдаги мусобақаларгача 200 дан ортиқ спорт беллашувларини ўтказмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спортга мунтазам равишда ва жиддий эътибор бераётганлиги туфайли жамиятимиз спортчилари ўз маҳоратлари ва спорт кўрсаткичларини оширишда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Жумладан, ўтган йили 221 минг оммавий разрядли спортчи, 501 нафар спорт усталигига номзод ва спорт устаси, 10 нафар халқаро даражадаги спорт устаси тайёрланди. Спорт турлари бўйича республика терма командаси таркибига жамиятнинг 126 вакили киритилди.

Спорт маҳорати ва спорт кўрсаткичларини такомиллаштириш юзасидан тренер-ўқитувчилар олиб бораётган ишлар мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари етакчи тренерларнинг замонавий илмий-методик тавсиялари ва тажрибаларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилмоқда. Бу 1995 йилда анча юксак натижаларга эришиш имконини берди. Буни жамият боксчилари (бош мураббий республикада хизмат кўрсатган тренер О. Зокиров) мисолида кўриш мумкин. Улар Покистон, Сеул ва Чимкентда ўтказилган халқаро учрашувларда 5 та олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалларини қўлга киритишди. Германияда ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида вакилимиз Т. Ибрагимов тўртинчи ўринни эгаллади.

Марказий Осиё мамлакатлари I ўйинларида боксчиларимиз яхши кўрсаткичларга эришдилар — М. Абдуллаев ва Р. Чагаев олтин, Д. Каримов ва Т. Ибрагимов кумуш медал соҳиблари бўлишди, Т. Туляков эса бронза медалини қўлга киритди.

Эркин услубда курашда полвонларимиз (бош мураббий республикада хизмат кўрсатган тренер К. Асрақулов) Халқаро учрашувларда ва I Марказий Осиё ўйинларида иштирок этиб иккита олтин, учта кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритишди. Полвонлардан Ш. Йўлдошев, Д. Зуҳритдинов, Б. Раҳимов, Х. Ҳакимов ва Н. Телегинлар ғалаба учун астойдил курашишди.

Юнон-рум кураши услубида гиламга чиққан полвонлар (бош мураббий республикада хизмат кўрсаттан тренер О. В. Дубов) ҳам муваффақиятга эришмоқдалар. Улар йирик халқаро мусобақаларда, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари ўйинларида Узбекистон жамғармасига еттита олтин, тўртта кумуш ва олтита бронза медалларини тортиқ этишди. Бу беллашувларда Ж. Раҳматуллаев, Ш. Қўзиев, З. Очилов, И. Кенжаев, А. Садриев, И. Измаилов, Р. Сундеев ва бошқалар чинакам баҳодирлик шижоати ва юксак спорт-техник тайёргарлик даражасини намойиш этдилар.

Дзюдо кураши бўйича полвонларимиз (бош мураббий республикада хизмат кўрсатган тренер А. С. Аронов) Ҳиндистон, Япония, Исроил ва Қозоғистонда ўтказилган халқаро учрашувларда, Осиё ва Жаҳон чемпионатларида иккита олтин, иккита кумуш ва битта бронза медали билан тақдирландилар. Бу ўринда спорт усталаридан А. Мухторов, А. Жамолов, Ф. Тўраев, К. Муродовларнинг номларини тилга олиб ўтиш жоиздир.

Спорт маликаси деб аталувчи енгил атлетика тури бўйича вакилларимиз (бош мураббий республикада хизмат кўрсаттан тренер В. Ахметов) турли миқёсдаги мусобақаларда 15 та, жумладан, 7 та олтин, 4 та кумуш, 4 та бронза медал билан мукофотланишди.

Оғир атлетика (бош мураббий республикада хизмат кўрсаттан тренер А. Холиқов) жамиятнинг етакчи турларидан бири саналади. Республика терма командаси таркибида халқаро даражадаги 10 спорт устаси бор. 12 нафар оғир атлетикачи республика терма командаси таркибига киритилган. Ҳозирги кунда икки спортчимиз шу йилнинг ёзида Атлантада ўтказиладиган олимпиада ўйинларида иштирок этади. Спортчиларимиз йирик халқаро мусобақаларда 3 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритишди. А. Синдоров, Ф. Урозимбетов, А. Ўринов, Б. Нуриллаев, Ш. Шахназаров, Д. Фроловларнинг мусобақалардаги ютуқлари алоҳида таҳсинга лойиқдир.

1996 йилнинг ўтган уч ойида боксчиларимиз, дзюдочиларимиз, енгил атлетикачиларимиз Россия, Таиланд, Япония, Германияда ўтказилган мусобақаларда 9 та совринли ўринларни эгаллаб, қитъадаги энг кучли ўнликдан жой олишди.

Ҳозирги кунда жамиятимизнинг 16 вакили Атлантада ўтказиладиган Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Улар орасида Андижон, Қарши, Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти вакиллари бор. Спортчиларимиз жаҳон миқёсидаги улкан беллашувларда республикамиз шаънини ҳимоя қилишга қизғин ҳозирлик кўришаётир. Улар бу мусобақаларда муносиб ютуқларни қўлга киритишларидан умидвормиз.

Ғ. МАННОПОВ.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Марказий аппарати ходимлари, ҳайъат аъзолари Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Раҳматулло Мусурмоновга волидаи муҳтарамаси Гулабза ЭРНАЗАРОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, табииётгеография факультети жамоаси «Зоология, одам анатомияси ва физиологияси» кафедрасининг профессори Раҳбар АҲМЕДОВ вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 275-мактаб жамоаси шу мактаб ўқитувчиси Жумадилла Усмоновга отаси Усмон ТАМАШЕВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Луқмон Бўриев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0202. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Тиражи — 39 710.
123456